



2023 ЙИЛ | 29-СОН

# SAIGA NEWS



Россиянинг Астрахан вилояти, “Степной” қўриқхонасидағи сайгоқлар гурухи. Марк Пестов фотосурати

## Сайфоқни сақлаш бўйича Альянс бюллетени

Экология ва сайфоқ муҳофазаси масалалари бўйича  
ахборот алмашиш учун 6 та тилда нашр қилинади

Кўшимча кўмак:



**МАХСУС МАВЗУ**

Табиатни муҳофаза қилишнинг мисли кўрилмаган ғалабаси ..... 3

**ЯНГИЛИКЛАР****Халқаро**

Самарқандда бўлиб ўтадиган CMS томонлари конференциясида бизга  
қўшилинг ..... 4

Питер Дэмерелл: Сайфоқ шохлари савдосини ўрганиш бўйича беш йиллик  
ҳамкорликнинг бошланиши ..... 5

Приянка Сури: Сайфоқ шохлари савдоси билан боғлиқ олтида лойиҳа доирасида  
тармоқлар яратиш ва тажриба алмашиш ..... 7

Хуш келибсиз, Валерий Шмунк ..... 9

**Қозогистон**

Алёна Кривошеева: Қозогистонда сайфоқлар сони 2 миллионга  
яқинлашмоқда ..... 10

Стевани Ворд: Олтин Дала – тикланиш намунаси ..... 11

**Мўғалистон**

Буян Чимедорждан янгиликлар ..... 13

**Ўзбекистон**

Елена Бикова, Роберт Виллард: Ўзбекистоннинг икки чекка қишлоғидан  
келган мактаб ўқувчилари экологик жаннат излаб ..... 20

Кристина Кузьмичева и др.: SOS – сайфогимизни қутқарайларик, даштимизни  
қутқарайларик ..... 21

**МАҚОЛАЛАР**

Айбат Музбай ва бошқ.: Қозогистонда Ўрол популяцияси сайфоқлари сонининг  
ошиши ва унинг қишлоқ хўжалигига таъсири – 2023 йил қўэзлаш давридаги  
кузатувлар ..... 23

Вячеслав Рожнов ва бошқ.: Шимолий-Ғарбий Каспий минтақасидаги сайфоқлар  
сонини ва унинг тарқалишини баҳолаш учун масофавий усуллар ва сунъий  
интеллектдан фойдаланиш ..... 26

Надежда Кашинина ва бошқ.: Шимолий-Ғарбий Каспий минтақаси сайфоқ  
популяциясининг генетик хилма-хиллиги (*Saiga tatarica tatarica*) нейтрал ва  
функционал аҳамиятга эга маркерлар полиморфизми асосида ..... 31

Э. Дж. Милнер-Галланд: Эксперт миссияси Қозогистонда ..... 34

Штефан Михель ва бошқ.: Олиб кетайликми ёки даштда қолдирайликми?

Табиий ўлган сайфоқ шохларидан фойдаланиш имкониятлари ..... 37

Карина Каренина ва бошқ.: Шимолий-Ғарбий Каспий минтақасида  
сайфоқларнинг сугориш жойлари ва шўрлардан фойдаланишининг мавсумий  
хусусиятлари ..... 40

Жозеф Булл ва бошқ.: Уйғониш оролида сайфоққа таҳдидларнинг ўзгариши ... 44

Цай Сютун: Сингапур ва Японияда сайфоқ шохларига бўлган талабнинг  
пасайиши: хатти-ҳаракатни ўзгартириш бўйича жорий лойиҳа ..... 46

Зебо Исакова ва бошқ.: Экотуризм – атроф-муҳит ҳақида тушунчани  
шакллантириш ..... 48

**САЙФОҚНИ САҚЛАШ – УЛАРНИНГ ҲАЁТИЙ ИШИ:** Илья Смелянский, Россия .. 51

**Таҳририят ҳайъати**

Буюк Британия:

- проф. Э. Дж. Милнер-Гулланд [муҳаррир-маслаҳатчи], Оксфорд универсиитети [ej.milner-gulland@zoo.ox.ac.uk](mailto:ej.milner-gulland@zoo.ox.ac.uk)

- Д. Мэллон [такризчи], МСОПнинг Антилопалар бўйича мутахассислари груҳи [d.mallon@zoo.co.uk](mailto:d.mallon@zoo.co.uk)

Қозогистон:

- Ю. Грачев, Зоология институти [yuriy.grachev@zool.kz](mailto:yuriy.grachev@zool.kz)
- А. Кривошеева, ҚБСА [alyona.krivosheyeva@acbk.kz](mailto:alyona.krivosheyeva@acbk.kz)

Хитой:

- Гуйхон Джан, Куйлонг таълимий тренинг-маркази [guihongzhang@foxmail.com](mailto:guihongzhang@foxmail.com)
- проф. Чжиган Цзян, ХХР ФА Зоология институти [zhigangjiang@vip.sina.com](mailto:zhigangjiang@vip.sina.com)

Мўғалистон:

- Б. Бувейбатар, WCS-Мўғалистон [buuveibaatar@wcs.org](mailto:buuveibaatar@wcs.org)
- Б. Чимеддорж, WWF-Мўғалистон [chimeddorj@wwf.mn](mailto:chimeddorj@wwf.mn)

Россия:

- А. Лущекина, Россия ФА Экология ва эволюция институти [saiqak@hotmail.com](mailto:saiqak@hotmail.com)
- проф. Ю. Арилов, Қалмоқ давлат университети [kalmsaiga@mail.ru](mailto:kalmsaiga@mail.ru)

Ўзбекистон:

- Е. Бикова [масъул муҳаррир], ЎзР ФА Зоология Институти [ebykova67@mail.ru](mailto:ebykova67@mail.ru)
- А. Есипов, ЎзР ФА Зоология Институти [esipov411@gmail.com](mailto:esipov411@gmail.com)

Д. Адилова дизайнни [4dinaa@gmail.com](mailto:4dinaa@gmail.com)

Ушбу нашр онлайн шаклида [saigaresourcecentre.org](http://saigaresourcecentre.org), [saiga-conservation.com](http://saiga-conservation.com) ва [saiqak.biodiversity.ru/publications.html](http://saiqak.biodiversity.ru/publications.html) сайтларида ёки сўровга асосан муҳаррирларда инглиз, қозоқ, хитой, мўғул, рус ва ўзбек тилларида чоп этилган нусхаси шаклида олинниши мумкин.

Сизга олтида тилдан исталган бирода материалларни юборишни таклиф қиласиз. Илтимос, уларни [ebykova67@mail.ru](mailto:ebykova67@mail.ru) манзилига ёки муҳаррирлардан бирига юборинг. Бюллетенъ йилда иккى марта нашр қилинади. Муаллифлар учун қоидаларни инглиз ва рус тилларида [saiga-conservation.com](http://saiga-conservation.com) сайтида топиш ёки сўровга асосан муҳаррирлардан олиш мумкин. Агар Сизда саволлар пайдо бўлса, илтимос, Saiga Newsнинг давлатингиздаги муҳаррири билан, ёки масъул муҳаррир – Елена Бикова ([ebykova67@mail.ru](mailto:ebykova67@mail.ru)) билан боғланинг.

# “Табиатни муҳофаза қилишнинг мисли кўрилмаган ғалабаси”: сайфоқнинг ТМХИ Қизил рўйхати (Қизил китоби)даги мақомининг “Бутунлай йўқ бўлиб кетиш арафасидаги”дан “Йўқ бўлиб кетиш эҳтимолига яқин”га ўзгартирилди

**Мақомдаги бу сезиларли ижобий ўзгариш Қозогистонда турнинг кенг кўламли қайта тикланишини ва унинг тарқалиши бўйлаб амалга оширилган улкан сақлаш саъй-ҳаракатларини акс эттиради, аммо популяцияни сақлаш қолиш ва янада кўпайтириш учун ҳали ҳам чоралар кўриш зарур.**

Сайфоқни (*Saiga tatarica*) сақлаш бўйича самарали миллий ва халқаро саъй-ҳаракатлар туфайли 2023 йил 11-декабрь куни турнинг ТМХИ Қизил китобидаги мақоми “Бутунлай йўқ бўлиб кетиш арафасидаги” (Critically Endangered) дан “Йўқ бўлиб кетиш эҳтимолига яқин / Заиф ҳолатга яқин” (Near Threatened) га ўзгартирildi.

Халқаро Қизил китобдаги мақомнинг бу сезиларли ижобий ўзгариши камдан-кам учрайдиган ҳодиса бўлиб, Қозогистонда сайфоқ популяциясининг 2005 йилдаги хавфли энг паст даражаси – 48 000 бошдан бугунги кунда 1,9 миллиондан ошганини кўрсатади. ТМХИ Қизил китоби бутун дунё бўйлаб турларнинг сақланиш ҳолатини баҳоловчи нуфузли халқаро рўйхат бўлиб, ундан сақлаш бўйича саъй-ҳаракатларни қўллаб-кувватлаш учун фойдаланилади. ТМХИ мақоми Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенцияга мувофиқ табиатни муҳофаза қилиш ҳаракатларининг муваффақиятининг асосий кўрсаткичидир. У миллий миқёсда турлар (кенжа турлар) дуч келадиган йўқ бўлиб кетиш хавфини баҳолашни, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш ҳаракатларининг таъсири ва тикланиш истиқболларини кўрсатадиган яшил ҳолатни баҳолашни ўз ичига олади.

Бу ғалаба сайфоқ, яшайдиган мамлакатлар ҳукуматлари, илмий ташкилотлар,

миллий ва халқаро ННТлар, жумладан Сайфоқни сақлаш бўйича Альянс (CCA), Олтин Дала табиатни муҳофаза қилиш ташаббуси (жумладан, Қозогистон биологик хилма-хилликни сақлаш ассоциацияси (ҚБСА), «Fauna & Flora», Франкфурт зоология жамияти, RSPB ва Қозогистон хукумати), NABU, WCS ва WWF Мўғалистон томонидан сайфоқни сақлаш бўйича қарийб йигирма йил давомида амалга оширилган муҳим саъй-ҳаракатлар натижасидир. Дононорларнинг узоқ муддатли ёрдами ҳам аҳамиятли эди.

Кўчиб юрувчи ёввойи турларни сақлаш тўғрисидаги конвенция (CMS) сайфоқ ареали бўйлаб ҳукумат ва фуқаролик жамият ташкилотларини Йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари халқаро савдоси тўғрисидаги конвенцияга (CITES) мувофиқ сайфоқни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланиш бўйича Ҳаракатлар режасини келишиб олиш ва амалга ошириш учун бирлаштиришда ҳам муҳим роль ўйнади. Ҳаракатлар режаси доирасида ҳамкорлар браконьеरликка қарши кураш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш чораларини амалга оширишда ҳукуматларни қўллаб-кувватлаш, сайфоқларнинг асосий яшаш жойларини сақлашга кўмаклашиш ва популяцияларни мониторинг қилиш, маҳаллий ҳамжамиятларнинг сайфоқни сақлаш масалалари бўйича хабардорлигини ошириш ва уларнинг экология

инспекторлари билан ҳамкорлигини кучайтириш учун биргаликда ишлади.

Мақомнинг бундай яхшиланиши сайфоқ популяциясини сақлаш ва бошқариш бўйича чора-тадбирлар самара берадётганини ва давом эттириш кераклигини кўрсатади. Ушбу хушхабарга қарамай, Қозогистонда сайфоқнинг узоқ муддатли барқарор келаҗagini таъминлаш, шунингдек, тур дуч келаётган кўплаб таҳдидларига қарамай, Мўғалистон, Россия Федерацияси ва Ўзбекистон популяцияларининг тикланишини таъминлаш учун табиатни муҳофаза қилиш бўйича тезкор чора-тадбирлар ҳали ҳам зарурдир.

Тур ўзининг бутун ареалида экотизимдаги ролини тикласагина тўлиқ тикланади, чунки давом этаётган браконьеерлик, ноқонуний савдо, касалликлар, иқлим ўзгариши ва инфратузилманинг ривожланиши сайфоқлар учун хавф туғдиради. Турнинг янги мақоми – “йўқ бўлиб кетиш эҳтимолига яқин” – барқарор сақлаш чоралари кўрилмаган тақдирда, унинг ҳолати тез ёмонлашиши эҳтимоли борлигини акс эттиради. Бу сайфоқнинг “Яшил мақоми”да ўз аксини топган бўлиб, у “Жуда камайган” деб баҳоланади ва сайфоқлар табиатни муҳофаза қилиш бўйича олиб борилган таъсирчан саъй-ҳаракатларга қарамай, ҳали ҳам экотизимларда ўз ролини тўлиқ бажармаётганини таъкидлайди. Шу билан бирга, турнинг яшил мақоми, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш бўйича саъй-ҳаракатлар давом эттирилса ва унинг ареалида кучайтирилса, кейинги тикланиши учун ажойиб салоҳият мавжудлигини кўрсатади.

Қизил рўйхат веб-сайтида сайфоқ баҳосини топиш учун қўйидаги ҳаволага ўтинг: [iucnredlist.org/species/19832/233712210](http://iucnredlist.org/species/19832/233712210)

Қизил рўйхат ва Сайфоқнинг яшил мақоми ҳақида батағсил маълумотни бу ерда топишингиз мумкин: [iucnredlist.org/species/19832/50194357](http://iucnredlist.org/species/19832/50194357)

# Самарқандда бўлиб ўтадиган CMS томонлари конференциясида бизга қўшилинг

Сайфоқ 2024 йил 12-17 февраль кунлари Ўзбекистон Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган Кўчиб юрувчи ёввойи турларни сақлаш тўғрисидаги конвенция (CMS) 14-конференциясида иштирокчилари муҳокама қилиши учун муҳим тур бўлади. Ва бу жуда тўғри, чунки сайфоқ Марказий Осиёда CMS фаолияти учун етакчи тур ҳисобланади. Асосий воқеалар қаторида Қозогистон ҳукумати томонидан сайфоқни сақлаш ва барқарор фойдаланиш бўйича CMS / CITES ўзаро англашув меморандуми муваффақиятини нишонлаш учун расмий параллел тадбир бўлиб ўтади, чунки Меморандум имзоланган 2006 йилдан бўён турлар сони сезиларли дараҷада тикланган.

11 февраль куни томонлар конференциясининг расмий очилишидан бир кун олдин Сайфоқни сақлаш бўйича альянс ўзининг йиллик умумий йигилиши ва стратегик режалаштириш бўйича семинарини ўтказади. Унда сайфоқ ареалидаги барча мамлакатлардан ҳамкаслар билан учрашиш ва уларнинг ишлари ҳақида эшитиш ҳамда келгуси беш йилда ССА сайфоқни сақлаш бўйича ҳамжамиятни қандай қўллаб-қувватлаши ҳақида фикр юритиш имконияти бўлади. Ушбу турга қизиқсан барчани бизга бу тадбирда қўшилишга таклиф қиласиз.

Сайфоқ бўйича бошқа расмий тадбирлар ҳам бўлиб ўтади. Бундан ташқари, USFWS

(U.S. Fish and Wildlife Service) томонидан молиялаштирилган сайфоқ бўйича бир нечта лойиҳа иштирокчилари ҳам учрашиш, ўзаро фикр ва янгиликлар алмашиш имкониятига эга бўлишади.

Томонлар конференциясига қўйидаги ҳавола орқали рўйхатдан ўтишингиз мумкин: [meetings.cms.int/meetings/  
COP14/registration](https://meetings.cms.int/meetings/COP14/registration)

Агар сиз 11 февралдаги Стратегик режалаштириш кунида иштирок этишни ёки сайфоқ билан боғлиқ тадбирлар тақвимидан хабардор бўлишни истасангиз, [saiqaalliance@gmail.com](mailto:saiqaalliance@gmail.com) электрон почта манзили орқали боғланинг.



Сайфоқлар суғориш жойида. Бабетт Фурье сурати

ПИТЕР ДЭМЕРЕЛЛ<sup>1</sup>

## Сайғоқ шохлари савдосини ўрганиш бўйича беш йиллик ҳамкорликнинг бошланиши

2023 йилда сайғоқ шохларининг ноқонуний савдосига қарши курашишга қаратилган бешта қизиқарли янги лойиҳа жорий этилди (*SN 28-сонидаги Татьяна Хендрикснинг мақоласига қаранг*). Кейинчалик бу лойиҳаларга Сайғоқни сақлаш бўйича Альянс (CCA) томонидан мувофиқлаштирилган олтинчи лойиҳа кўшилди. Ушбу лойиҳа "Сайғоқни илмий асосланган ҳолда сақлаш бўйича ҳамкорли фундаментни яратиш" АҚШ Балик, ва ёввойи табиат хизмати (USFWS) томонидан молиялаштирилган сайғоқни сақлаш бўйича барча лойиҳалар портфели учун асос лойиҳаси сифатида ишлаб чиқилган. У орқали биз ҳамкорлик қилиш имкониятларини аниқлаш, доимий ўрганиш ва далиллар тўплашга кўмаклашиш ҳамда сайғоқни узоқ муддатли ва барқарор сақлашни таъминлаш учун салоҳиятни оширишга сармоя киритиш орқали қолган 5 та лойиҳани фаол қўллаб-қувватлаймиз. Шу тарзда, ҳар бир лойиҳа алоҳида амалга оширилганидан кўра, биргаликда каттароқ натижаларга эришишимиз мумкин.

Лойиҳалар портфели доирасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича биринчи йирик тадбир 2023 йил 20-22-март кунлари Оксфордда (Буюк Британия) бўлиб ўтган бошлангич йиғилишда барча лойиҳалар вакилларини бирлаштириш бўлди. USFWS томонидан молиялаштирилган сайғоқни сақлаш бўйича барча лойиҳалар иштирокчиларига турларни сақлаш

бўйича иккита қўшимча дастур – Олтин Далани сақлаш ташаббуси ва «Ўйғониш ороли: тадбиркорлик, табиатни асраш ва Орол денгизи атрофидаги ҳудудни ривожлантириш» лойиҳаси ходимлари кўшилди. Биз, шунингдек, Кўчиб юрувчи ёввойи турларни сақлаш тўғрисидаги конвенция (CMS) ва, шунингдек, USFWS вакилларини кутлашдан мамнун бўлдик.



Оксфорддаги бошлангич йиғилиш иштирокчилари.  
Питер Дэмерелл сурати

Шундай қилиб, дастлабки йиғилиш сайғоқ шохи савдосини барча босқичларда – сайғоқ кенг тарқалган мамлакатларда браконьеरлик қилишдан тортиб, истемолчи мамлакатларда сайғоқ шохи маҳсулотларини сотиб олишгача – ўрганиш билан шуғулланувчиларга бир жойга йиғилиб, ҳаракатлар, мақсадлар, усуллар ва ёндашувларни биргаликда ўрганиш имкониятини берди. Сайғоқни сақлаш бўйича ҳамжамият ичида алоқа ўрнатиш учун энг яхши имкониятни таъминлаш учун бошлангич учрашув виртуал эмас, балки жонли форматда ўтказилиши кераклиги бошидан қарор қилинганди. USFWS томонидан молиялаштирилган лойиҳалар портфели янги манфаатдор томонлар ва Япония каби янги мамлакатларни сайғоқни сақлаш билан таништирмоқда. Шу сабабли, янги профессионал муносабатларни ўрнатиш, шунингдек, эски дўстона алоқаларни қайта тиклаш муҳим эди. Натижада, йигирма беш киши йиғилишда қатнашишга сазовор бўлди, хитойлик ҳамкасларимиз шахсан қатнаша олмасалар ҳам, видео ҳавола орқали қўшилиб, узоқ ва кенг кўламли сұхбатимизга қимматли ҳисса қўшдилар ва бу барча иштирокчилар томонидан эътироф этилди. Сайғоқни сақлаш бўйича Альянс Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш тармоғига Мўғалистон ва Ўзбекистон иштирокчиларини молиявий қўллаб-қувватлагани учун миннатдорчилик билдиради.

Икки ярим кунлик қизғин ишда биз "Сайғоқни илмий асосланган ҳолда сақлаш бўйича ҳамкорли фундаментни яратиш" лойиҳасининг кўплаб вазифаларини амалга оширишга киришиш учун плацдарм яратдик. Дастлабки учрашув учта асосий мавзуни қамраб олди:

Биринчи мавзу турли лойиҳаларнинг мақсад ва ёндашувларини тушуниш ва улар сайғоқни сақлашнинг кенроқ тасаввурига қанчалик мос келиши ҳақида эди. Учрашувда ҳар бир лойиҳа тақдим этилди, бу иштирокчиларга ўз ишлари билан ўхшашлик ёки фарқларни аниқлаш имконини берди. Иштирокчиларга

лойиҳаларда бошқалар билан ҳамкорлик қилиш имкониятларини излашга ва билим алмашиб имкониятларини кўриб чиқишга тавсия этилди. Ҳар бир лойиҳа Сайфоқни сақлаш, тиклаш ва барқарор фойдаланиш бўйича ўзаро англашув меморандумини амалга ошириш бўйича ўрта муддатли иш дастури билан ҳам ўз фаолиятини мувофиқлаштириди. Ушбу тадбир бизга лойиҳа портфели доирасида амалга ошириладиган ишларда сайфоқни сақлашнинг қайси жиҳатлари кўриб чиқилаётгани ҳақида аниқ тушунча беради. Шунингдек, у бизга ҳозирда лойиҳа портфелида аксини топмаган, аммо ташқи ҳамкорликдаги лойиҳалар учун мос мақсад бўлиши мумкин бўлган сайфоқни сақлаш чораларини аниқлаш имконини берди.

Йиғилишнинг иккинчи муҳим мавзуси – бизнинг ишимиз асосидаги тахминлар ва далилларни муҳокама қилиш эди. Иштирокчилар сайфоқ шохи савдосига оид далилларда бўшлиқлар мавжудлигини баҳолашга киришди. Лойиҳаларимизни қўллаб-кувватлаш учун қандай далиллар кераклиги ҳақида ўйлашга вақт ажратилди. Шунингдек, биз сайфоқ шохи савдоси бўйича мавжуд маълумотлар манбалари ҳақида фикр алмашдик. Ниҳоят, иштирокчилар ҳамкорликдаги ишлардан

қандай далиллар пайдо бўлишини ва бу далилларни бошқаларга қандай тақдим этиш кераклигини муҳокама қилиши. Бундан ташқари, иштирокчилар ўз лойиҳалари учун "ўзгаришлар назариясини" яратишга имкон берган фаолиятда ҳам қатнашдилар. Хусусан, иштирокчиларга режалаштирилган тадбирлар кутилган натижаларга эришиши ҳақида танқидий фикр юритиш таклиф қилинди. Лойиҳаларимиз доирасида таъсир омилларини режалаштириш ва ўз тахминларимизни шубҳа остига қўйиш орқали биз лойиҳаларнинг ўзаро мувофиқлигини оширишга муваффақ бўлдик. Ушбу дастлабки иш жорий йилнинг иккинчи ярмида портфель миёёсида ўзгаришлар назариясини ишлаб чиқишга имкон беради.

Учинчи мавзу жамоавий иш ҳақида эди. Иштирокчилар билим алмашиб ва ҳамкорликдаги таълим фаолияти учун мақсадга мувофиқ бўла оладиган контекстларни яратиш учун истиқболли имкониятларни ўрганишга интилди. Шохлар бошқаруви тренинги ҳамкорликда ўрганиш учун бир қатор имкониятлардан бири бўлди. Учрашув олдидан амалга оширилган тадбирларга асосланиб, иштирокчилар учинчи томон қўшма лойиҳалари учун концепцияларни ҳам ишлаб

чиқдилар. Олтита лойиҳанинг асосий фаолияти доирасидан ташқарига чиқадиган ушбу кичикроқ лойиҳалар амалдаги далилларда бўшлиқларни тўлдиришга ёрдам беради ёки Ўрта муддатли иш дастурининг ҳозирда муҳокама қилинмаган қисмларини қўллаб-кувватлади. Ушбу учинчи томон лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қўллаб-кувватлаш, шунингдек, ҳамкорликда ўрганиш имкониятларини яратиш SCA бошчилигидаги лойиҳа ишининг асосий қисмини ташкил қиласди ва келгуси бир неча йил ичида давом этади.

Икки ярим кунлик учрашув давомида йиғилган барча иштирокчилар ўз лойиҳаларини келгусидаги фаолияти учун мустаҳкам пойдевор яратиш мақсадида фаолиятни бирлаштиришга қаратилган тадбирлар устида қандай иштиёқ билан ишлаганларини кўриб, хурсанд бўлдим. Сайфоқни сақлаш бўйича иш олиб бораётган тадқиқотчилар ва амалиётчилар ҳамжамияти мен бу соҳада ишлаган деярли ўн йилдан бери сезиларли даражада ўсади. Умид қиласманки, бу учрашув Осиё, Европа ва Шимолий Американи қамраб оладиган, ўнлаб йиллар давом этадиган дўстлик муносабатларига асос солди.

<sup>1</sup> Оксфорд университети, [peter@saiga-conservation.org](mailto:peter@saiga-conservation.org)



USFWS томонидан молиялаштириладиган лойиҳаларни яхшироқ режалаштириш учун "ўзгаришлар назариясини" ишлаб чиқиш. Дэвид Хилл сурати

ПРИЯНКА СУРИ<sup>1</sup>

# Сайғоқ шохлари савдоси билан боғлиқ олтита лойиха доирасида тармоқлар яратиш ва тажриба алмашиш

**Маҳсулотнинг манбадан якуний истеъмолчигача бўлган саёҳати бутун сайёрани қамраб олиши мумкинлиги сабабли, ноқонуний ёввойи табиат савдосидаги таъминоти занжирлари мураккаб ва чексизdir. Масалан, сайғоқларни олайлик. Улар табиий равиша Қозогистон, Ўзбекистон ва Мўғалистоннинг Марказий Осиё чўлларида, шунингдек, Россияда учрайди, аммо анъанавий хитой тиббиётida (AXT) қўлланиладиган шохлари бутун Осиёда қадрланади.**

Сайғоқ шохлари савдоси ва улардан фойдаланиш Малайзияда, айниқса, Хитойнинг катта жамоаси жойлашган ярим оролда кенг тарқалган. Шу сабабли, Малайзия сайғоқ маҳсулотларининг муҳим истеъмолчиси ва савдонинг фаол иштирокчиси ҳисобланади. TRAFFIC сўнгги йигирма йил давомида Малайзия AXT бозорида сайғоқ шохи савдосини кузатиб келмоқда. Сўнгги кузатувларга кўра, мамлакатда сайғоқ шохи маҳсулотларини сотадиган кўплаб AXT дўйонлари мавжуд. Улар турли шаклларда: яхлит, умуман қайта ишланмаган шохлардан, улардан куқун ва қириндилардан бошлаб дори, яхна ичимлик ва

овқатга кўшимчаларгача, айрим ҳолларда эса бошқа дори воситаларининг таркибий қисмлари сифатида ҳам сотилади.

TRAFFIC маҳаллий савдога рухсат берилган сайғоқ шохлари заҳираларини бошқариш тизимини яратиш ва қўллаб-куватлаш учун ҳамда АҚШ Балиқ ва ёввойи табиат хизматининг (USFWS) Турларни сақлаш катализи жамғармаси (SCCF) молиявий кўмагида Малайзия ярим ороли Ёввойи табиат ва миллий боғлар департаменти (PERHILITAN) ва CITES маъмурий органи билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Мақсад сайғоқ шохларининг яхши

тартибиға солинадиган, қонуний ва барқарор савдосини таъминлашдан иборат.

Бироқ, ёввойи хайвонлар савдосини қисқартириш ва турларни янада самарали сақлаш учун турларнинг бутун савдо таъминоти занжирни бўйлаб мақсадли ва мувофиқлаштирилган ҳаракатлар зарур. 2023 йил 22-24 марта кунлари Сайғоқни сақлаш бўйича Альянс (SCA) томонидан танишув учрашуви ташкил этилганинг асосий сабабларидан бири шу. Унда USFWS SCCF пакети доирасида сайғоқ тарқалган мамлакатлар ва истеъмолчи мамлакатларда лойиҳаларни амалга оширувчи ва қўллаб-куватловчи ўн иккита ташкилот иштирок этди: иккита лойиҳа ареал мамлакатларида – Қозогистон, Ўзбекистон ва Мўғалистонда, учтаси истеъмолчи мамлакатларда – Малайзия, Япония, Сингапур ва Хитойда.

SCA Оксфордда (Буюк Британия) лойиҳалар ўртасида тажриба ва ғоялар алмашиш мақсадида, улар алоҳида бир-биридан ажраган ҳолда амалга оширилмаслиги учун таништирув семинарини ташкил қилди. Иштирокчилар бошиданоқ катта қизиқиш ва улар сайғоқни сақлаш бўйича саъи-ҳаракатлар натижаларини яхшилаш учун фойдаланадиган кенг билим кўламини намоён этишди. Мўғалистоннинг Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш жамиятидан Буувейбаатар Баярбаатар буни жуда аниқ ифодалади: "Шахсий формат бизга лойиҳаларимизни батафсил таққослаш ва сайғоқ шохлари савдосини янада қисқартириш ёки йўқ қилиш бўйича USFWS билан SCCF лойиҳалари бўйича ҳамкорлик қилишининг потенциал имкониятларини мухокама қилишда самарали бўлди."

Семинар USFWS пакети доирасидаги лойиҳалар тақдимоти билан бошланди ва амалга оширилаётган ишларнинг умумий кўлами ҳақида тушунча берди. Бу семинар иштирокчиларининг бошқа лойиҳалар билан танишиши ва тажриба алмашиши учун замин тайёрлашга катта ёрдам



Диого Вериссимонинг Малайзиядаги сайғоқ шохи савдоси ҳақидаги маъruzasasi. Питер Дэмерелл сурати

берди. Бу ҳақда ҚБСА ходими Мадина Таукелова шундай деди: “Танишув учрашуви менга лойиҳаларнинг барча иштирокчилари билан шахсан мuloқot қилиш ва уларнинг сайфоқ шохларининг ноғонуний савдосини камайтириш режалари билан танишиш имконини берди”.

Учрашув давомида сайфоқни сақлаш бўйича лойиҳаларнинг мақсадларига эришишни таъминлаш учун Ўрта муддатли Халқаро иш дастури (CMS MTWP) доирасидаги лойиҳалар харитасини ўз ичига олган турли тадбирлар ўтказилди. Бундан ташқари, иштирокчилар амалдаги далилларда бўшлиқларни аниқлаш, ташкилотлар бўйлаб тажриба алмашиб ўйларини аниқлаш ва потенциал ҳамкорлик учун ғояларни ишлаб чиқиш, хусусан, бир нечта лойиҳа ва мамлакатларда ўхшаш фаoliyatни оптималлаштириш бўйича ҳамкорлик қилишди. Масалан, Буувейбаатар ўз нутқида барча иштирокчиларнинг ҳис-туйғуларини ифода этди: “Мен бир нечта лойиҳалар устида биргалиқда ишлашни интиқлик билан кутяпман. Хусусан, сайфоқ шохи заҳираларини бошқариш протоколини ишлаб чиқиш бўйича Малайзияда TRAFFIC компанияси билан бўлажак ҳамкорлик ҳақида

хабардан мамнунман. Ижтимоий кузатиш усуслари, хусусан, Ғарбий Мўғалистондаги ижтимоий тадқиқотларимизда фойдаланмоқчи бўлган келишувсиз кузатиш усулидан катта тажрибага эга бўлган бошқа олимлар билан мuloқot қилиш жуда мамнунли бўлди.

Учрашувнинг энг муҳим натижаси сайфоқни сақлаш бўйича бирлашган фронт сифатида чиқиш имкониятини бўлди. У умумийлик шунчаки алоҳида қисмлар тўплами эмаслигини кўрсатди. Сайфоқни сақлаш бўйича Альянс, 2024 йил февраль ойида Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган CMS Томонлар конференцияси ва бошқа платформалар каби кириш учрашувидан сўнг иштирокчилар ҳамкорлик қилиш учун фойдаланиши мумкин бўлган мuloқot майдонлари белгиланди.

Учрашув барқарор, инклюзив эксперталар тармоғини яратиш имкониятини берди, унинг доирасида мутахассислар сайфоқ маҳсулотларини ноғонуний савдоси таҳдидини камайтириш ва лойиҳа пакетининг амал қилиш мuddати давомида тажриба алмашибни таъминлаш учун сайфоқни сақлаш соҳасидаги билимларини алмашиблари мумкин.

Учрашувнинг асосида турли география, турли сайфоқ бўйича лойиҳалар иштирокчилар орасидаги ҳамкорлик муносабатларигина ёввойи табиатни бошқариш ва сақлаш бўйича интеграциялашган, такомиллаштирилган ва самаралироқ амалиётларни ишлаб чиқиш имконини бериши эътироф этилган.

<sup>1</sup> TRAFFIC, priyanka.suri@traffic.org



Янги USFWS лойиҳалари тақдимоти давомида.  
Дэвид Хилл сурати

## Хуш келибсиз, Валерий Шмунк

**Биз Сайғоқиңиң сақлаш бүйічі Альянс васиілік кенгашининг янги аuezоси – Валерий Шмункни таништиришдан мамнұнмиз, таҳририят ундан бізге үзи ва сайғоқиңиң сақлаш бүйічі тажрибасы қақыда қысқача маълумот берішни сүради.**

Шундай бўлдики, менинг касбий тажрибам илмий соҳадаги ишларни ҳам, амалий экологик фаолиятни ҳам бирлаштиради. Мен ветеринария вирусологи сифатида иш бошладим, лекин охирги 14 йилни ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ноёб турларини сақлашга бағишиладим. Ниҳоят, 7 йил олдин, мен WWF Россиянинг Кавказ бўлими директори бўлиб ишлаган пайтимда, биринчи марта дашт бўйлаб сайғоқнинг югуриб ўтаётганини кўрдим, бу менда жуда кучли таассурот қолдирди. Аммо бу ноёб ҳайвонни ҳимоя қилиш учун жуда кичик инспекторлар гурӯхи томонидан олиб борилган фидойи ишлар менинг янада ҳайратда қолдирди. Бу Астрахан вилоятидаги (Россия) Степной

кўриқхонаси ҳудудида эди. Айнан ўшандада мен ва WWF Россиядаги ҳамкасларим Шимолий-Ғарбий Каспий минтақасидаги сайғоқлар популяциясига таҳдид солинаётгани, шунингдек, биринчи навбатда қўллаб-қувватлаш ва амалга ошириш керак бўлган асосий чора-тадбирлар ҳақида билиб олдик. Олимлар, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ходимлари ва ғамхўр тадбиркорлар кўмагида сайғоқлар сонининг кўпайиши учун шароит юратишга эришдик. Унинг яшаш жойларини муҳофаза қилишни кучайтиришга (браконьерликка қарши рейдлар ўтказиш, инспекторларнинг техник имкониятларини ошириш, дашт ёнғинларига қарши чора-тадбирларни амалга




oshiриш), камера ва фототузоқлар ёрдамида сайғоқлар мониторингини кучайтириш, тушунтириш ишларини олиб бориш, шунингдек, учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланган ҳолда популяция сонини баҳолашнинг инновацион ёндашувларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди. Мен сайғоқиңиң сақлаш ва қайта тиклаш билан шуғулланувчи барча манбаатдор шахслар ва ташкилотлар билан ўз тажрибамни улашишга бажонидил тайёрман.



Степной кўриқхонасидаги ёш ва катта сайғоқлар, Россия. Марк Пестов сурати

АЛЁНА КРИВОШЕЕВА<sup>1</sup>

## Қозғистонда сайғоқлар сони 2 миллионга яқинлашмокда



Сайғоқ популяцияси динамикаси. Energyprom.kz инфографикаси

15 апрелдан 5 майга қадар РГКП «ПО «Охотзоопром» бүйргүү билан Қозғистон Республикасы Экология ва табий ресурслар вазирилиги Ўрмон хўжалиги ва хайвонот олами қўмитаси (КЛХЖМ МЭПР РК) томонидан Қозғистон Республикаси ҳудудидаги барча уч популяциядаги сайғоқлар ҳар йиллик авиаҳисоби ўтказилди.

Авиаҳисоб ЕС-145 вертолёти ёрдамида амалга оширилди. Умумий парвоз давомийлиги 200 соатни ташкил этди: Бетпақдала популяциясида – 100 соат, Ўрол популяциясида – 60, Устюрт популяциясида – 40 соат.



Ҳисобчилар жамоаси. ҚБСА сурати

2023 йилда Қозғистонда сайғоқларнинг умумий сони 2022 йилга нисбатан 45,3 фоизга ўсан ҳолда 1 миллион 915 минг бошни ташкил этди. Сайғоқларнинг Ўрол популяцияси сони (ҳозирда Қозғистонда ва дунёда энг катта) 1 130 000 бошни ташкил этди (41,1% ўсиш), Бетпақдала популяцияси – 745,3 минг бошни (34,4% ўсиш, шу жумладан Павлодар, Қарағанда, Абай вилоятлари ҳудудида яшовчи «шарқий гурӯҳ»нинг ер усти ҳисоб маълумотлари – 25 300 минг бошни ҳисоблагандан), Устюрт популяцияси – 39,7 минг бошни (41,8% ўсиш) ташкил этди.

Авиаҳисоб ҚБСА мутахассислари томонидан «Охотзоопром» РГКП, КЛХЖМ (Ўрмон хўжалиги ва хайвонот олами қўмитаси) ҳудудий инспекциялари, сайғоқ ареалидаги алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар («Бокежорда», «Олтин Даля», Ирғиз-Торгай ДТРлари, Қорғалжин қўриқхонаси) вакиллари билан биргаликда амалга оширилди.

Ўтган йиллардагидек, 2023 йилда ҳам сайғоқлар сонини ҳаводан рўйхатга олиш Ўрмон хўжалиги ва хайвонот олами қўмитаси Илмий-техник кенгашининг 2014 йил 17-мартдаги қарори билан тасдиқланган «Қозғистонда сайғоқларнинг авиаҳисоби бўйича услугубий тавсиялар»га мувофиқ амалга оширилди, бу эса натижаларнинг солиширишга лойиқлигини таъминлайди.

Бироқ, сайғоқлар сонининг қўпайиши ва шунга мос равишда зичлиги ошиши сабабли катта гурухлардаги ҳайвонлар сонини аниқ ҳисоблаш муаммо бўлди. Шу сабабли, ҳозирги вақтдаги популяция сони учун бухгалтерия ҳисоби ва экстраполяция усулларини такомиллаштириш зарурати мавжуд.

<sup>1</sup> ҚБСА, [alyona.krivosheyeva@acb.kz](mailto:alyona.krivosheyeva@acb.kz)

СТЕФАНИ ВОРД<sup>1</sup>

## Олтин Даңа – тикланиш намунаси

2022 йил декабрь ойида БМТ Атроф-мухит бүйича дастури “Олтин Даңа” экологик ташаббусини ўнта «Глобал қайта тиклаш флагманларидан бири» деб тан олди, [unep.org/news-and-stories/press-release/un-recognizes-10-pioneering-initiatives-are-restoring-natural-world](https://unep.org/news-and-stories/press-release/un-recognizes-10-pioneering-initiatives-are-restoring-natural-world). “Олтин Даңа” экологик ташаббусининг мақсади – Марказий Қозғистоннинг улкан ҳудудида сайғоқларнинг яшаш жойларини сақлаб қолиш учун түлиқ функционал дашт экотизимларини тиклаш.

Қозғистоннинг мұйытадил иқлим зоналарыда жойлашган үтлоқ экотизимлары түрли хил ёввойи табиат турлары, айниқса 2000 йилларнинг бошида деярли йүқ бўлиб кетган дунёдаги энг катта сайғоқ популяцияси учун яшаш ҳудудидир. 2006 йилда Олтин Даңа табиатни муҳофаза қилиш ташаббусига асос солинганидан бери биз ушбу турни қайтариш ва унинг яшаш муҳитини тиклаш масаласини олдимизга қўйдик.

Ўтган йиллар давомида «Олтин Даңа» табиатни муҳофаза қилиш ташаббуси доирасида консервация ва реставрация соҳасида қатор натижаларга эришилди.

Аввало, ушбу ташаббус туфайли биологик хилма-хилликни сақлаш учун катта аҳамиятга эга ҳудудлар сақланиб қолди. «Олтин Даңа» экологик ташаббуси ҳамкорлари

томонидан тўрт миллион гектардан ортиқ, майдонда янги давлат муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар яратиш, мавжуд муҳофаза этиладиган ҳудудларни кенгайтириш ва янги экологик йўлакларни ташкил этиш имконини берувчи илмий асослар тақдим этилди. Турли таксонларнинг хилма-хиллигини ўрганишдан ташқари, сайғоқ бўйича телеметрия тадқиқотлари маълумотлари олинди, булар янги қўриқланадиган ҳудудларни яратиш учун энг ишончли асос бўлиб хизмат қилди.

Бизнинг телеметрия тадқиқот дастури миз 2008 йилда бошланган. Йўқ бўлиб кетиш арафасида турган антилопани ва унинг кенг дашти яшаш жойларини ҳимоя қилиш учун бизга ишончли маълумотлардан доимий фойдаланиш имконияти керак. Шу мақсадда сунъий йўлдош орқали кузатиш маълумотлари энг

муҳим воситадир. 2009 йилдан бўён 204 та сайғоқга сунъий йўлдош бўйинбоғлари муваффақиятли кийдирилган. Тўпланган маълумотлар Қозғистондаги учта сайғоқ популяциясининг яшаш жойлари ҳақида батафсил маълумот олиш ва уларнинг миграция йўллари ва хусусиятларини яхшироқ тушуниш имконини берди.

Экотизимни тиклаш нуқтаи назаридан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва хукумат фаолиятининг интеграцияси браконьерликка қарши биргаликда патруллар ўtkазиш ва ихтисослаштирилган маълумотларни тўплашда жуда самарали бўлди. Сайғоқнинг жойлашуви тўғрисидаги маълумотлар қўриқланадиган ҳудуд ходимларига подаларни яқиндан кузатиб бориш ва браконьерликка қарши курашишда ёрдам беради. Буни ҳисобга олган ҳолда, Олтин Даңа табиатни муҳофаза қилиш ташаббуси нодавлат нотижорат ташкилотлари ва давлат идоралари салоҳиятини ошириш ишларига, шунингдек, жинслар нисбати ва наслчиллик муваффақияти тўғрисида маълумот тўплаш учун қўзилаш ва жуфтлашиш (қочиш) ҳудудларини аниқлаш каби муҳим тадқиқотларга катта ҳисса қўшди. Бу, ўз навбатида, сайғоқ популяцияси динамикасини яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Бу ишларнинг барчаси дашт экотизимларини ҳимоя қилишда иштирок этаётган ҳар бир кишининг имкониятлари ва салоҳиятини оширишга ёрдам беради. Дарҳақиқат, сайғоқ популяцияси сезиларли даражада ўсида ва 2006 йилдаги сони 50 000 дан 2023 йилда ~1,9 миллионгача етиши билан бу дашт турининг дунёдаги энг катта популяциясига айланди.

Сайғоқларнинг қўчиш йўлларини билиш ва уларнинг турли фасллардаги миграция хатти-ҳаракатларини тушуниш бизга браконьерликдан ташқари уларнинг мавсумий миграциялари учун мумкин бўлган таҳдидларни аниқлашга ёрдам беради. Хусусан, биз миграция учун темир йўллар, автомобиль йўллари ва чегара каби турли тўсиқлар таъсирини юмшатиш устида



Эркак ва урғочи сайғоқ. Эрик Романенко сурати

ишладик. Сайғоқлар асфальтланган йўларни кесиб ўтишдан қўрқишиди, лекин тупроқли йўлларни тинчгина кесиб ўтишади. Қолаверса, маҳаллий аҳоли билан сұхбатлар, мунтазам мониторинг ва узатувчи воситалар маълумотларига асосланиб, ҳайвонлар Шалкар-бейнеу темир йўлидан ўтмаслиги хулоса қилинди. Бу маълумотлар сайғоқнинг ландшафт билан алоқасини сақлаб қолишимизга ва Қозогистон ҳукуматига тузатиш ва олдини олиш чораларини кўришга ёрдам беради. Бунга, жумладан, сайғоқлар кесиб ўта олиши учун чегара тўсиқлари тузилишини ўзгартириш ва темир йўлдан ўтиш жойларини ўрганишга ёрдам бериш ҳам киради. Бундан ташқари, бизнинг ташаббусимиз сайғоқ миграциясига халақит берадиган йўллар қурилишининг олдини олиш учун ҳукумат билан самарали мулоқот олиб бормоқда.

Сайғоқларни ноқонуний овлашга қарши кураш бўйича давлат муҳофазаси

худудлари, подалари сонининг ўсиши ва бу фаолиятнинг барчаси негизини ташкил этувчи биохилма-хиллик соҳасидаги илмий тадқиқотлар, айниқса, қишлоқ жойларда ва ҚБСА тузилмаларида янги иш ўринларининг яратилишига олиб келди. Ҳамкорлигимиздаги ҳар бир фаолиятнинг ажралмас қисми бўлган салоҳиятни ошириш ҳисобига иш ўринлари сони ҳам ортиб бормоқда.

«Бироқ, биз ишимиз ҳали тугалланмаганини тан оламиз», дейди Қозогистон биохилма-хилликни сақлаш ассоциацияси бош директори Вера Воронова. «Биз иқлим ўзгаришининг минтақа ва бутун сайдерага таъсирини юмшатишда улкан роль ўйнайдиган кенг қозоқ чўлини барқарор ривожлантиришга сармоя киритишда давом этамиз. Муваффақият ва интилишларимиз халқаро ҳамкорлар томонидан кўрсатилаётган улкан кўллаб-қувватлаш ва Қозогистон ҳукумати билан яқин ҳамкорлигимиз натижасидир».

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳит бўйича дастури ва Озиқовқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) 2021 йилда БМТнинг экотизимларни тиклаш ўн йиллигини эълон қилди, у 2030 йилгача давом этади.

Олтин Дала табиатини муҳофаза қилиш ташаббуси Қозогистонда ҚБСА томонидан Fauna & Flora, Франкфурт зоология жамияти ва Қироллик қушларни ҳимоя қилиш жамиятининг молиявий ва техник кўмагида, шунингдек, Қозогистон Республикаси Экология ва табиий ресурслар вазирлиги хузуридаги Ўрмон хўжалиги ва ёввойи табиат қўмитаси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

<sup>1</sup> Франкфурт Зоология жамияти,  
[ward@zgf.de](mailto:ward@zgf.de)



БУЯНА ЧИМЕДОРЖ<sup>1</sup>

## Ёввойи ҳайвонларни қутқариш ва реабилитация қилиш мамлакатдаги устувор вазифалардан бири сифатида

2023 йил 17 марта куни WWF Мүгалистон Атроф-мухит ва туризм вазирлиги билан ҳамкорликда ёввойи ҳайвонларни қутқариш ва реабилитация қилиш, шунингдек, бошқа мамлакатларнинг мавжуд қонунчилик базаси, стандартлари ва илфор тажрибалари каби мавзуларни муҳокама қилиш учун учрашувни муваффақиятли ташкил этди.

Йиғилишда марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакиллари, Атроф-мухит ва туризм вазирлиги, унинг 21 вилоятидаги бўлимлари, шунингдек, илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари мутасаддилари ва мутахассисларидан иборат 60 дан ортиқ киши иштирок этди. Йиғилишда мамлакатдаги мавжуд ҳукуқий-сиёсий вазият ҳамда ёввойи ҳайвонларни қутқариш ва реабилитация қилиш бўйича амалдаги миллий

стандартлар бўйича тақдимотлар тингланди. Бундан ташқари, айрим маҳаллий мутахассислар жароҳатланган ёки касал ҳайвонларга биринчи ветеринария ва реабилитация ёрдамини тезкорлик билан кўрсатиш усуслари бўйича тақдимотлар қилди.

Йиғилишда Атроф-мухит ва туризм вазири Б. Бат-Эрдене иштирок этиб, ёввойи ҳайвонларни қутқариш ва реабилитация қилиш соҳасидаги стратегия, ҳукуқий ва меъёрий-ҳукуқий база ҳақида маъруза қилди ва иштирокчиларни қизиктирган саволларга жавоб берди.

WWF Мүгалистон табиатни муҳофаза қилиш бўйича директори Б. Чимеддорж WWF Мүгалистоннинг Атроф-мухит ва туризм вазирлиги билан касал ва жароҳатланган ёввойи ҳайвонларга

тезкор ветеринария ва реабилитация хизматларини кўрсатиш Ҳайвонот дунёси тўғрисидаги қонунга киритилган табиатни муҳофаза қилиш бўйича асосий чора-тадбирлардан бири эканлиги ҳақидаги концепция устида иш олиб борилишига алоҳида эътибор қаратди. 2022 йилда ёввойи табиатни қутқариш ва реабилитация қилиш бўйича тўртта миллий стандартлар тўплами қабул қилинди. Ушбу ютуқлар WWF Мүгалистон ва Атроф-мухит ва туризм вазирлигининг аввалги саъй-ҳаракатлари натижасидир. Бундан ташқари, тадқиқот ва илфор тажрибалар асосида «Ёввойи ҳайвонларни қутқариш ва қайта тиклаш» амалий қўлланмаси ишлаб чиқилди ва бу соҳада ҳайвонларни парвариш қилиш учун масъул бўлган мутахассислар учун фойдали маълумотномага айланди.

Увс вилояти Атроф-мухит ва туризм бошқармаси мутахассислари ёввойи ҳайвонларни қутқариш ва соғломлаштириш бўйича чора-тадбирлар муваффақиятли амалга оширилган бир қанча ҳолатлар ҳақида гапирди. Қутқарилган ҳайвонлар орасида 2020 йилда аэропортга ўрнатилган металл панжарадан яралангандан қизил кийик ва 2022 йилда даволангандан мўғул сайфоқ боласи ҳам бор эди. Реабилитациядан сўнг, кийик ва сайфоқ табиатга қўйиб юборилди ва подаларига кўшилди. Сўзга чиққанларнинг таъкидлашиб, илфор тажрибани жорий этишнинг муваффақиятли намунаси сифатида йиллик бюджетига ёввойи ҳайвонларни қутқариш ва соғломлаштириш масалаларини киритган Увс вилоят бошқармаси хизмат қила олади.

Учрашув самарали ва руҳлантирувчи бўлди. Иштирокчилар ёввойи ҳайвонларни ҳукуқий асослар, миллий стандартлар ва бу борадаги илфор тажрибалар асосида қутқариш ва соғломлаштириш бўйича кўплаб янги ва фойдали маълумотларга эга бўлди.

<sup>1</sup> WWF Мүгалистон, [chimeddorj@wwf.mn](mailto:chimeddorj@wwf.mn)



WWF Мүгалистон табиатни муҳофаза қилиш бўйича директори Б. Чимеддоржнинг нутқи. WWF Мүгалистон сурати

БУЯНА ЧИМЕДОРЖ<sup>1</sup>

## Маҳаллий ҳокимият WWF Мүғулистоннинг ташаббусини қўллаб-қувватлайди ва тан олади

Булоқлар ва табиий сув оқимларини муҳофаза қилиш WWF Мүғулистоннинг устувор йўналишларидан биридир. Ташкилотнинг дастурий идораси маҳаллий аҳолининг бевосита иштирокида 34 та табиий сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириди, улардан 26 таси мўғул сайфоқлари, 8 таси қорқоплонлари яшайдиган ҳудудларда жойлашган. Табиий сув ҳавзаларини ҳимоя қилишнинг стандарт усуллари уларнинг оқимини бир хил даражада ушлаб туриш ёки ҳатто кўпайтириш ва бу билан кўпроқ уй ва ёввойи ҳайвонларнинг сувга

эҳтиёжини таъминлашга имкон беради. Бугунги кунда бу ташабbus маҳаллий ҳокимият ва Гоби-Олтой вилояти аҳолиси томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда ва эътирофга сазовор бўлмоқда.

Гоби-Олтой вилояти маъмурияти сув ҳавзаларини муҳофаза қилишнинг стандарт тартибини ишлаб чиқди. Амалда, сув ҳавзалари асосан молиялаштириш миқдорига боғлиқ бўлган ҳар хил турдаги ва турли материаллардан ишланган тузилмалар билан ҳимояланади. Бироқ, баъзи ҳолларда, ер усти сувларининг ҳимояга

муҳтоҷ бўлган манбалари ёки жойлари нотўғри аниқланади. Вилоятда ушбу тартиби жорий қилишда WWF Мүғулистон идорасининг тўсиқларни лойиҳалаш бўйича тавсиялари, уларнинг тахминий чизмалари, манбаларни ҳимоя қилиш бўйича кўрсатмалар, шунингдек, Гоби ва дашт минтақаларида муҳофаза қилинадиган сув ҳавзаларининг паспорти ва мониторинг журнали асосий кўрсаткич эди. Ҳужжатлар тўпламини келишиб, қабул қилиб бўлгач, вилоят экология ва туризм бошқармаси маҳсус тартиб ишлаб чиқди ва у кейинчалик вилоят ҳокими қарори билан тасдиқланди. Маҳаллий ҳамжамият ва давлат ҳокимияти органлари ўз ҳудудларидаги ишларни янада самарали ва мувофиқлаштирилган ҳолда олиб боришга ёрдам берадиган бу ечимдан мамнун.

<sup>1</sup> WWF Мүғулистон, [chimeddorj@wwf.mn](mailto:chimeddorj@wwf.mn)



Маҳаллий чўпонлар сув ҳавзаларини сақлашга ёрдам бермоқда.  
WWF Мүғулистон сурати

БУЯНА ЧИМЕДОРЖ<sup>1</sup>

## Сайғоқни сақлаш тармоғининг маҳаллий аъзолари учун мотоцикллар ва шлемлар

Дунё миқёсида йўқ бўлиб кетиш арафасида турган турлардан бири бўлган мўғул сайғоғи 2008 йилда ташкил этилган Сайғоқни сақлаш тармоғининг ихлосманлари томонидан ҳимояга олинган. WWF Мўғулистон идораси ушбу жамиятдаги табиатни муҳофаза қилувчиларга логистик ёрдам беради. Дастур идораси яқинда кўпинча қийин шароитларда ўтадиган ҳудудлар патрулини олиб боришини енгиллаштириш учун рейнджерларни мотоцикллар ва шлемлар билан таъминлади.

Сайғоқни сақлашда 12 кишидан иборат рейнджерлар жамоаси катта роль ўйнайди. Хусусан, қаттиқ қишида, кучли қор ёғандада, улар экологик ва биотехникавий тадбирларни амалга оширади. Уларнинг фикрича, бутун дунё бўйлаб йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турган сайғоқ турли томонларнинг, жумладан WWF Мўғулистоннинг йўналтирилган саъй-ҳаракатлари туфайли сақланиб қолмоқда.

<sup>1</sup> WWF Мўғулистон, [chimeddorj@wwf.mn](mailto:chimeddorj@wwf.mn)



Сайғоқни сақлаш тармоғининг аъзоси янги мотоцикллар билан.  
WWF Мўғулистон сурати

БУЯНА ЧИМЕДОРЖ<sup>1</sup>

## Сайғоқ учун хашак ёки "инспекторлардан мухаббат ила"

Мүгалистон күпинча қаттиқ қышларни бошдан кечиради. Ыз ойларда яйловларда үт үсиши учун зарур бўлган ёмғир кам бўлса, вазият ёмонлашади, натижада ҳайвонлар совуқ мавсумда омон қолиш учун етарли даражада ёф йиға олмайди. Қаттиқ қорли қиш ва унинг юзасида муз қобигининг пайдо бўлиш даврлари "жут" деб аталади. Бу вақт ҳам одамлар, ҳам ҳайвонлар учун ҳақиқий синовдир. Бундай экстремал об-ҳаво шароити қисқа вақт ичидаги миллионлаб ўй ва ёввойи ҳайвонларни ўлдириши мумкин.

2022/2023 йиллардаги қиш сўнгги пайтларда мамлакатдаги энг қаттиқ қышлардан бири бўлди: ҳарорат – 45 ° С га тушди ва ҳайвонлар учун бундай совуққа чидаш жуда қийин эди. Одатдагидек, ҳайвонларнинг нобуд бўлишининг олдини олиш учун сайғоқ ҳимоячилари айниқса қалин қор қоплами бўлган ва ўта паст ҳароратга дуч келган жойларга пичан ёйиши.

Бу сайғоқларнинг қаттиқ совуқдан омон қолишларига ёрдам бериш мақсадида бир ҳовуву пичан ва бошқа емларни қўйиб юрадиган маҳаллий аҳоли учун одатий ҳолдидир. 2017 йилда сайғоқларнинг пичан олиш учун келаётгани ва ҳатто исиниш учун унинг устига ётиб олгани акс этган видеолар бундай биотехника аралашувининг мутлақ долзарблигини яққол кўрсатиб туриди.

Сайғоқни сақлаш тармоғи раҳбари Батсайхан шундай тушунтиради: «Бу йил қиш айниқса совуқ бўлди. Далаларнинг ҳеч бир жойида ҳайвонларнинг излари йўқ, фақат қор бўйлаб озиқ-овқат излаб юрадиган сайғоқлардан ташқари. Сайғоқлар фақат ҳовли ўти ва шўр ўтлар билан озиқланади. Аммо улар паст бўлгани учун кўпинча қор остида чуқур ётган бўлади ва сайғоқлар уларни топиб, қазиб олишлари қийин».

Бу сафар сайғоқ ҳимоячилари сайғоқ кузатилган ўнлаб жойларга 400 дан ортиқ пичан боғламаларини қўйиб чиқишиди. Ушбу тадбирларнинг мақсадга мувафиқлигини тасдиқлаш, шунингдек, кейинги тадқиқотлар учун ушбу жойларнинг ҳар бирига фототузоқлар ўрнатилди. Сайғоқлар ҳимоячиси Балдан шундай дейди: «Биз ишонамизки, бизнинг ҳаракатларимиз сайғоқлар ҳаётини сақлаб қолади ва уларга қишининг қаттиқ давридан омон чиқишига ёрдам беради. Биз бу чора-тадбирлар ҳайвонлар учун ўта зарур деб ҳисоблаймиз.

2003 йилдан бери WWF Мүгалистон идораси сайғоқ популяциясини жонлантириш бўйича катта саъи-ҳаракатларни амалга ошириб, уларнинг сонини 750 дан қарийб 14 000 бошгача ошириди. Бироқ, WWF Мүгалистондаги сайғоқ ҳимоячилари бу билан тўхтаб қолмоқчи эмас ва сайғоқни "жут" пайтида ҳимоя қилиш учун доимо қўлларидан келган барча ишни қилмоқда ва юқорида баён қилинган биотехник тадбирлар уларнинг долзарблиги ва зарурлигини исботламоқда.

<sup>1</sup> WWF Мүгалистон, [chimededorj@wwf.mn](mailto:chimededorj@wwf.mn)



Қаттиқ қишида мўгул сайғоги учун хашак йиғиши.  
WWF Мүгалистон сурати

БУЯНА ЧИМЕДОРЖ<sup>1</sup>

## Сайғоқча қутқарилди ва "үйига" ОЗОД ҚИЛИНДИ

2023 йил январь ойи охирида чүпон Намсрай ит қувиб келаётган сайғоқ боласини қутқариб қолди. У зудлик билан сайғоқни муҳофаза қилиш бүйича маҳаллий мутахассис Бадамжавга хабар берди, у ўз навбатида маҳаллий ветеринар ва ёввойи табиатни муҳофаза қылувчиларни чақирди. Тезкор дастлабки текширув натижасида 2022 йилда туғилган сайғоқчанинг соғлиғи умуман олганда яхшилиги, фақат туёғидаги майда ёриқлар борлиги

аниқланди, улар саёғоқча ҳаётини сақлаб қолиш учун күркіб ўткір тошлар устидан юрганида пайдо бўлган. Ветеринария шифокорлари туёқларни ярани тузатувчи малҳам билан даволашди, сўнгра ҳайвон эҳтиёткорлик билан парвариш қилишди, уни янги пичан ва омухта ем билан яралар битгунча озиқлантиришди. Яхшиямки, сайғоқча тезда тузалиб кетди ва вилоят атроф-муҳитни муҳофаза қилиш агентлиги ва WWF Farbий Мўгулистон эксперлари

гурӯхи уни Татаал Хев, Увс, Завхон сўми-даги мўғул сайғоқларининг тарихий ареа-лининг шимолий қисмидаги табиий яшаш жойига қўйишга қарор қилишиди.

70 йилдан кўпроқ вақт олдин Татаал Хев мўғул сайғоқларининг табиий яшаш жойи бўлган. Бироқ, кейин сайғоқ у ердан ғойиб бўлди ва 2013 йилгача бу худудда бирорта ҳам ҳайвон кузатилмади. 2022 йил ноябрь ойи ҳолатига кўра, WWF Мўгулистон ва унинг ҳамкорлари томонидан кулай иқлим шароити ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида Татаал Хевдаги мўғул сайғоқларининг сони 212 бошга етди. Шу билан бирга, бутун Мўгулистон бўйлаб сайғоқларнинг умумий сони 13925 бошни ташкил қиласди.

<sup>1</sup> WWF Мўгулистон, [chimededorj@wwf.mn](mailto:chimededorj@wwf.mn)



Қутқарилган сайғоқ боласи.  
WWF Мўгулистон сурати

БУЯНА ЧИМЕДОРЖ<sup>1</sup>

## "Ярим чўл спринтери" хужжатли фильм

Сўнгги йилларда WWF Мўғулистан дастури бюроси сайфоқни асрашга катта эътибор қаратмоқда, аҳолининг ушбу тур, унинг аҳамияти ва экотизимларни сақлашдаги роли ҳақидаги билимларини ошириш устида ишламоқда ҳамда ушбу турнинг ноқонуний овланишига қарши курашда катта саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда.

Йўқолиб бораётган ёввойи табиатни самарали сақлаш учун жамоатчиликнинг

хабардорлиги муҳим аҳамиятга эга, шунинг учун WWF Мўғулистан ёввойи табиатнинг хулқ-атвор хусусиятларини ҳар томонлама ўрганиш, уни сақлаш заруратини тушунишни таъминлайдиган илмий асосланган, яхши ҳужжатлаштирилган ва юқори сифатли ахборот материалларини (масалан, фильмлар) ишлаб чиқаришга интилади. Энг сўнгги материаллардан бири сайфоқнинг хулқ-атвори, озиқланиши ва ҳаётининг мавсумий хусусиятлари ҳақида 16 дақиқалик

"Ярим чўл спринтери" ҳужжатли фильмидир. Фильм қисқа эпизодларга бўлинган бўлиб, бу ҳайвон ҳақида сифатли, кулай ва қизиқарли тарзда ҳикоя қиласди. Видеога олиш ишлари тадқиқотчилар, мутахассислар ва WWF Мўғулистан Ғарбий худудий бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилгани айниқса муҳимдир. WWF Мўғулистан ходимларининг сўзларига кўра, фақат шу мамлакатда яшайдиган мўғул сайфоқлари ҳақида бутун дунё одамлари билишлари учун фильмга инглизча субтитрлар ва инглизча аудиотрек кўшилган.

Батафсил маълумот қўйи-  
даги ҳаволада: [youtube.com/  
watch?v=wHGO0IDho-I](https://youtube.com/watch?v=wHGO0IDho-I)

<sup>1</sup> WWF Мўғулистан, [chimeddorj@wwf.mn](mailto:chimeddorj@wwf.mn)



Мўғул сайфоқ эркаги. В. Мунхзориг / WWF Мўғулистан сурати

БУЯНА ЧИМЕДОРЖ<sup>1</sup>

## Мүгалистонда сайфоқ куни

2023 йил 22 май куни WWF Мүгалистон маҳаллий ҳамкорлар, жумладан, маҳаллий ҳукумат вакиллари билан ҳамкорликда Мүгалистонда Сайфоқ кунини муваффақиятли нишонлади. Бу йил байрам тадбирида 500 дан ортиқ киши, жумладан, 300 дан ортиқ мактаб ўкувчилари иштирок этди. Фаолият турлари жуда хилма-хил эди – расм чизишдан тортиб дарахт экишгача.

Ёшлар Гоби-Олтой миңтақасида сайфоқлар учун боғ барпо этиш мақсадида дарахт экиш ташаббуси билан чиқиши ҳамда, куйинги йилда натижалар билан улашиб умиди билан экилган дарахтларни

парваришилаш ва сүфориш масъулиятини ҳам ўз зиммасига олишди.


Болаларни сайфоқларнинг яшаш жойлари билан танишириш учун маҳсус экспедиция ташкил этилди, унда инспекторлар болаларга сайфоқлар ҳақида батағсил ва қизиқарли маълумот беришди. Шунингдек, улар болаларнинг кундалик ишларига шўнғишига ёрдам беришди: улар GPS технологиясидан фойдаланган ҳолда ҳайвонларни қандай кузатишлигини ва чорвачилик ҳаракати таъсирида уларнинг яшаш жойлари қандай ўзгарётганини кўрсатиши. Саёҳат давомида болалар 1200 га яқин сайфоқни кузатиш

имконига эга бўлишди. Экскурсия иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

«Сайфоқ ва баҳор» болалар расмлари танлови ҳам ўтказилди. Ҳаммаси бўлиб 100 га яқин расмлар олинди. Ҳакамлар ҳайъатининг холосасига кўра, турли ёш тоифаларида саккиз нафар бола ғолиб деб топилди. Энг яхши расмлар WWF Мүгалистоннинг Facebook саҳифада эълон қилинди.

«Экоклуб» аъзолари томонидан табиий манбаларнинг қадри ва асрраб-авайланиси мавзусида сұхбат ва интервьюлар ўтказилди. Улар ўзларининг аввалги ишларини ҳам журналистларга тақдим этишди. Тадбир кенг ёритилиб, турли оммавий ахборот воситаларида 11 та газета мақоласи, янгиликлар репортажи ва 4 та видеолавҳа эфирга узатилди.

<sup>1</sup> WWF Мүгалистон, [chimededorj@wwf.mn](mailto:chimededorj@wwf.mn)



Болалар расмлари танлови.  
WWF Мүгалистон сурати



Экскурсия пайтида экоклуб аъзолари. WWF Мүгалистон сурати

ЕЛЕНА БИКОВА<sup>1</sup>, РОБЕРТ ВИЛЛАРД<sup>2</sup>

## Ўзбекистоннинг икки чекка қишлоғидан келган мактаб ўқувчилари экологик жаннат излаб

2023 йил 11-12 май кунлари Жаслиқ ва Қирқ-қиз қишлоқлари болалари – 31- ва 54-умумтаълим мактаблари ўқувчилари Жаслиқ ва Мўйноқ томошабинлари олдида «Сусамбил: уни бирга яратайлик» номли ажойиб спектакльни намойиш қилишди. Сусамбил – бу тинчлик ва осоишталик ҳукм суроётган, қалин ўт-ўланларли яйловлари, мусаффо сувли ариқлари бор, изтироб ва дард йўқ, ҳамма у ерга интиладиган ажойиб баҳт мамлакати. Бизнинг Сусамбил Оролкум қўмлари ўртасидаги гўзал дашт бўлиб, у ерда жоноворлар бир-бири билан, атрофмұхит билан ҳамнафас яшайди. «Қўчиб юрувчи ҳайвонлар: жайрон, сайфоқ, фламенко, бургут, дудак бу ерни излаб кезиб юради. Уларнинг ватанларида ўт йўқ ва тоза сув кам, ҳайвонларни гўшт учун сўйиб, шохларини сотовучи браконьерлар бор. Уларнинг ота-оналари, aka-ука

ва опа-сингиллари қирилиб кетган. Тирик қолганлар Сусамбилни қидирмоқда...»

Спектакль болалар учун нафақат эртак айтиб беришнинг биринчи тажрибаси бўлди. Ўз қаҳрамонларига айланиб, уларнинг одатлари ва муаммоларини ўрганиб, ўз онглари ва ҳатто қайсиdir маънода ҳаётий тажрибалари призмасидан ўтказишга ҳаракат қилишди. Спектакль давомида экологик оғат зонасида – Оролбўйи, Устюрт платосида яшаш бўйича шахсий тажрибага эга бўлган болалар уларни нима ташвишга солаётгани билан ўртоқлашди, экологик ўзгаришлар уларнинг кундалик ҳаёти, оиласари ва қишлоқлари ҳаёти ва тақдирига қандай таъсир кўрсатаётгани ҳақида гапириб беришди. Болалар ўз ҳикояларини баҳам кўриш орқали томошабинлар билан мулоқотда бўлиб, ҳис-туйғулар алмасиб барча қатнашчиларни жалб қилишди.



Ёш артистлар Муйнакдаги эко-спектаклининг сўнгги саҳнасида.  
Елена Бикова сурати

Спектакль муаллифига кўра, болаларнинг бошидан кечиргандари сайфоқ, жайрон, бургут ва дудак каби ҳайвонларнинг, жумладан, браконьерлик ва сув этишмаслиги туфайли қирилиб кетиш хавфи остида турган ҳайвонларнинг кечинмаларига мос келади. Сценарий ёзида болаларнинг биргалиқдаги ижоди спектаклнинг мухим қисми бўлиб, спектакль иштирокчилари қишлоқнинг кекса фуқароларидан ҳужжатли далилларни тўплаб, ўз ташвиш ва орзулари билан ўртоқлашди.

Ҳайвонларни тасвирлаб, болалар Сусамбил – фақат ҳайвонлар яшайдиган ва одамлар учун жой бўлмаган экологик жаннатни қуриш имкониятлари ҳақида ўйлашди. Бироқ, спектакль охирiga келиб улар, Сусамбилни фақат ҳамма биргалиқда – одамлар ҳам, ҳайвонлар ҳам фаровон яшashi ва биргалиқда браконьерликни йўқ қилиш ва тоза сувга йўл топиш учун ўз ерида, ўз қишлоғида қуриши керак деган холосага келишди.

Спектакль турли ёшдаги томошабинларни ўзига жалб қилиб, уларни ҳамдард бўлишга ва ҳаётни қандай яхшилаш ҳақида ўйлашга мажбур қилди. Бу спектакль Сайфоқни сақлаш бўйича Альянс ва World Aral region charity (WAPC) ўртасидаги ҳамкорликнинг биринчи маҳсулни бўлди. (WAPC), [aralregioncharity.org](http://aralregioncharity.org).

<sup>1</sup> SCA, [ebykova67@mail.ru](mailto:ebykova67@mail.ru)

<sup>2</sup> World Aral region charity

КРИСТИНА КУЗЬМИЧЕВА<sup>1</sup>, РУСТАМ ОЛИМОВ<sup>1</sup>, ЗЕБО ИСАКОВА<sup>1</sup>

## SOS – сайғоғимизни қутқарайлиқ, даштимизни қутқарайлиқ

**Ўзбекистонда 2023 йил Сайғоқ кунининг мавзуси «SOS – сайғоғимизни қутқарайлиқ, даштимизни қутқарайлиқ».** Чўл экотизимининг фаровонлиги ва унинг асосий вакили – сайғоқ ўртасидаги узвий боғлиқликдан далолат берувчи мавзуни тушуниш учун сайғоқ ареалида (Жаслиқ, Қорақалпоғистон, Кирк-қиз, Элобод, Мўйноқ ва Нукус шаҳридан) 8 та мактаб ўқитувчилари ўртасида «Сайғоқ, дашт, одам» номли энг яхши қизиқарли дарс учун онлайн танлов ташкил этилди. Сайғоқ кунининг давоми – танловлар ва якуний гала-концертлар 10-12-май кунлари бўлиб ўтди. Фестивалда жами 900 дан ортиқ талабалар, ўқитувчилар ва меҳмонлар иштирок этди.

Нукус шаҳридаги «Прогресс» таълим ва тараққиёт марказида байрам тадбири бўлиб ўтди. У экомарафон билан бошланниб, қўғирчоқ театри спектакли билан давом этди. Спектакль ҳайвонларни парваришлиш ва асрash нақадар муҳимлигини кўрсатди. Спектакль давомида актёрлар қўғирчоқларни ўйнатиб ролларини ижро этишган, бироқ сайғоқни сақлаб қолмасак, у «Қизил китоб» расмдаги ноёб тур бўлиб қолишини яққол кўрсатиш учун сайғоқлар расмлар орқали тасвиранган.

Жаслиқ қишлоғида 54-мактаб негизида Сайғоқ куни муносабати билан «Спорт», «Эрудит» ва «Миллий анъаналар» станциялари билан эко эстафета ўтказилди. Эстафетанинг барча босқичларидан ўтиб, иштирокчилар яхши спорт ва интеллектуал тайёргарликни намойиш этиб, ғалаба қозониш учун жуда астойдил ҳаракат қилишди. «Миллий анъаналар» бекатида болалар миллий либос кийиб тақдим этилган ҳар бир анъананинг муҳитини ажойиб тарзда етказишга ҳаракат қилишди. Жамоалар сертификатлар,



Мўйноқлик болалар сайғоқ кунида ўз ижодий ишлари билан. Елена Бикова сурати

эсадалик ва бошқа маҳсус совғалар билан тақдирлагандан сўнг, «Сайғочи» мажмуавий (ландшафт) кўриқхонаси вакиллари барча иштирокчилар ва меҳмонларга сюрприз – байрамона палов ош тайёрлаб дастурхонга тортишди. Кечқурун қишлоқ аҳли йиғилган очик саҳнада фестиваль якунланди. Саҳнада кўшиклар янгради, болалар гўзал миллий рақсларни ижро этишди. Роберт Виллард ва 9-синф ўқувчилари томонидан саҳналаштирилган "Сусамбил: уни бирга яратайлик" интерактив эко-спектаклининг премьераси бўлиб ўтди (батафсилоқ ушбу сонда).

Сайғоқ куни муносабати билан Қорақалпоғистон қишлоғида 26-мактаб ўқувчилари ўртасида марафон ва веломарафон ўтказилди. Тадбирни фаол муҳлислар – қишлоқ аҳолиси бажонидил қўллаб-куватлаб, иштирок этишди. «Экокарусел» мусобақасида «Жайрон» ва «Оқбуқен» жамоалари иштирок этди. Талабалар турли босқичларда топшириқларни бажаришди – сайғоқнинг хусусиятлари ҳақида ҳикоя тузишди, биология ўқитувчисининг саволларига вақт ҳисоби остида жавоб беришди ва етакловчи саволларга асосланган ҳолда ҳайвонни тахмин қилиб топишли. Энг яхши эко-саҳна танловида иккала жамоа ҳам томошибинлар ва меҳмонларга сайғоқларни овлаш қонун билан жазоланишини кўрсатди. Кейин турли вазифалардан иборат спорт босқичи бўлиб ўтди, унда, албатта, энг кучли ва бирлашган жамоа ғалаба қозонди.

Мўйноқ шаҳридаги «Оқ кеме» болалар оромгоҳида сайғоқ куни бўлиб ўтди. Фестиваль Сайғоқни сақлаш бўйича Альянс, UzKorGaz Chemical компанияси ва Мўйноқ тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди. Қўнғирот ва Мўйноқ туманларидағи тўртта умумтаълим мактаби ўқувчиларини бирлаштирган ҳолда тадбир ўтказишга қарор қилинди. Фестивалга Экология вазирлигининг вилоят ҳудудий бошқармаси инспекторлари, People's Trust for Endangered Species (PTES) ва The World Aral Region Charity

(WARC) халқаро жамғармалари вакиллари ташриф буоришиди. Талабалар турли ижодий ва спорт мусобақаларида беллашди – улар жамоа бўлиб «SOS – сайғомизни кутқарайлик, даштимизни кутқарайлик» мавзусида плакатлар чизишиди ва жамоа бўлиб плакатларни ҳимоя қилишиди. Санъат ташловидан кейин учта йўналишдаги спорт мусобақалари ўтказилди: "Сайғоқларни браконьерлардан кутқарайлик", "Сайғоқ учун Орол суви" ва "Сайғоқ-2023" веломарафони. Ҳар бир жамоанинг қизиқарли чиқишлари билан ташкил этилган ранг-баранг концерт танлов дастурини якунлаб, томошабинлар ва иштирокчиларга қувонч ва кўттаринки кайфият улашиди. Фестиваль куни якунида Роберт Виллард бошчилигидаги Қирқ-қиз қишлоғи жамоаси болаларнинг атрофмуҳит билан уйғунликда яшаш орзусига бағишлиланган «Сусамбил: уни бирга яратайлик» номли эко-спектаклни намойиш этди (батағсилоқ ушбу сонда).

<sup>1</sup> Сайғоқларни сақлаш бўйича Альянс,  
[zeboisakova@gmail.com](mailto:zeboisakova@gmail.com)



Жаслиқ қишлоғидан сайғоқ куни галиблари.  
Кристина Кузмичева сурати



PTES & SCA жамоаси биология ўқитувчиси Гауҳар Танабергенова ва унинг ўқувчилари билан биргаликда Мўйноқда. Нодира Шаабасова сурати



«Эрудит» босқичидаги беллашувда Жаслиқ қишлоғидаги 54-мактаб ўқувчилари. Кристина Кузмичева сурати

АЙБАТ МУЗБАЙ<sup>1</sup>, ТИЛЬ ДИТРИХ<sup>2\*</sup>, НУРЛИХОН ИСМАИЛОВ<sup>3</sup>,  
ШТЕФАН МИХЕЛЬ<sup>2</sup>

## Қозғистонда Үрол популяцияси сайғоқлари сонининг ошиши ва унинг қишлоқ хўжалигига таъсири – 2023 йил қўзилаш давридаги кузатувлар

**Қозғистонда сайғоқлар сони, айниқса, Үрол популяцияси сони ортиб бораётгани Қозғистон ҳукумати ҳамда қатор миллий ва халқаро ташкилотларнинг йўқолиб кетиш хавфи остида турган турларни саклаб қолиш бўйича кўп ийллик муваффақиятли саъй-ҳаракатлари натижасидир. Бироқ, барча манфаатдор томонлар бундан мамнун эмас. Қазталов ва Жанибек туманларида фермерлардан борган сари кўпроқ шикоятлар келиб тушмоқда. Уларнинг айтишича, сайғоқлар экинларни оёқ ости қилиб, пичанзорлар ва яйловларни оздиралиб, чорва учун ем қолдирмаяпти. Фермерларнинг фикрига кўра, уларнинг ерларига энг катта босим сайғоқ туғиши мавсумида, ҳайвонлар бу ҳудудда пода бўлиб йигилганда содир бўлади. Бунга жавобан маҳаллий ва халқаро мутахассислардан иборат гуруҳ 2023 йил май ойида сайғоқларнинг яйловлар, пичанзорлар ва буғдой майдонларига таъсирини баҳолаш учун асосий эътиборни ушбу икки ҳудуддаги қўзилаш жойларига қаратган ҳолда кузатувлар ўтказди (шу сондаги Э. Ж. Милнер-Гулландинг мақоласига қаранг).**

Бизнинг тадқиқотимиз дурбин, телескоп, юқори аниқликдаги камералар, GPS қурилмалари ва механик ҳисоблағичлар ёрдамида амалга оширилди. Биз қўзилаш давридаги подалар ҳажмини қайд этдик. Сайғоқларнинг катта подаларидағи ҳайвонларни санаш жуда қийин бўлди, шунинг учун биз ўнлаб ва юзлаб санаш тизимларидан фойдаландик. Янги туғилган қўзилар ҳисобга олинмади, чунки уларнинг ҳаммаси ҳам кўринмасди. Шунингдек, биз уй ҳайвонларини ҳисоблаб чиқдик, уларни ҳисоблаш усулиниг тўғрилигини текширишнинг қўшимча воситаси сифатида ишлатдик, чунки улар ўзларига яқинлашишга имкон берди. Кузатилган ҳайвонлар тўғрисидаги барча маълумотлар кейинчалик сайғоқ популяциясининг тарқалиш хариталарини яратиш учун маҳсус тайёрланган дала журналида синчковлик билан қайд этилди.

Текширувда 180 000 дан ортиқ сайғоқлар, асосан, қўзилаган ёки ҳомиладор урғочилар қайд этилган. Балоғатга етмаган ва етган эркакларнинг улуши кичик эди: тахминан 12 000 бosh қайд этилган, бу умумий популяциянинг 6% дан сал кўпроғини ташкил қиласди. Шуни ҳисобга олиш керакки, 1 ёшгача бўлган эркаклар кўпинча урғочилардан ажратилиши қийин. Ёш ҳайвонларнинг аксарияти ҳали ҳам ерда ётарди. Тадқиқот сайғоқлар учун бешта асосий қўзилаш ҳудудини аниқлади. Бундан ташқари, ярими эркак ва ярими қўзилаш учун ажрашга улгурмаган ҳомиладор урғочилардан ташкил топган йирик подалар кузатилди (1-расмга қаранг).

Тадқиқот гурухи учта асосий қўзилаш ҳудудини аниқлади (1-расм): жанубий, марказий ва шимолий ҳудудлар. Жанубий ҳудуднинг умумий майдони атиги 7000 гектардан ортиқ бўлган иккита қисмдан

иборат. Бу ҳудудлар Бокеёрда давлат қўриқхонаси ҳудудида жойлашган бўлиб, у ерда қишлоқ хўжалиги ишлари амалга оширилмайди. Бироқ, дехқончилик йўқлигига қарамай, ҳар иккала ернинг яқинида чорва моллари кузатилган. Марказий ҳудуд умумий майдони 15350 гектар бўлган иккита қисмдан иборат бўлиб, шундан 11 минг гектарга яқини қишлоқ хўжалиги мақсадларида ижарага олинган. Бу ҳудуд Ашиўзак қўриқхонаси таркибида киради. Иккila ер майдонида яшовчи урғочи сайғоқлар сони тахминан 14000 та этиб баҳоланди, шунингдек отлар, сигирлар ва кўйлар каби турли уй ҳайвонлари ҳам учраши қайд этилди. Марказий ҳудуднинг шимолий қисми жами 8356 га майдонни эгаллаб, 2022 йилда Үрол популяцияси учун асосий қўзилаш жойи бўлиб хизмат қилди.

Бу йилги маълумотларга кўра, асосий қўзилаш ҳудуди 2022 йилга нисбатан шимолроқда жойлашган. Бу улкан ҳудуд 25 000 гектардан ортиқ майдонни эгаллайди, бу ерда биз 73 000 дан ортиқ урғочи сайғоқни қайд этдик. Россия Федерацияси билан чегарадош Жанибек туманида жойлашган бу қўзилаш ҳудуди муҳофаза этиладиган табиий ҳудудга кирмайди ва маҳаллий аҳоли яйловлардан фаол фойдаланади. Ушбу ҳудуднинг жанубий қисми 2022 йилда қўзилаш жойи сифатида ҳам хизмат қилган. Бу ерда умумий майдони 18 минг гектарга яқин бўлган 24 та фермер хўжалиги мавжуд. 2022 йилда ҳудуднинг атиги 2270 гектарни ташкил этган кичик жанубий қисми ҳам сайғоқ қўзилайдиган жой бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқотда сайғоқлардан ташқари чорва моллари (қорамоллар ва майда шохли уй ҳайвонлари, отлар) ва қаровсиз итлар ҳам қайд этилган. Қорамол ва майда шохли уй ҳайвонлари фермалар атрофида 10 км гача, отлар 30-40 км узоқликда қайд этилган. Шунда йирик ва майда шохли уй ҳайвонлари ва отлар сони мос равиш 6574, 5358 ва 2852 бошни ташкил қилди. Тадқиқот давомида, шунингдек, тўртта ит


қайд этилди, улардан иккитаси энг яқин қишлоқдан 13 км узоқлиқда кузатилган. Биз бир неча марта сайфоқларнинг чорва молларига яқин жойда ўтлашини кузатганимиз, бунда бирга ўтлаётган сайфоқлар ва уй ҳайвонлари орасидаги минимал масофа 100-200 м (2-расм) ташкил этган эди. Бироқ ҳайвонлар алоҳида подалар бўлиб ўрган ва тўлиқ аралашишмаган.

Дала сафари асосида қайд этилган сайфоқлар сони экспедициядан бир ҳафта олдин аэрофотосуратларга асосланган расмий ҳисоб-китобларнинг атиги 15%. Экспедиция 2021 ва 2022 йилги аэрофотосуратларга кўра, популяция энг зич жойлашган худудда бўлиб ўтганди. Шунинг учун биз кузатилган ҳайвонларнинг ҳисоб сони аэрофотосуратларга асосланган ҳисобнинг 25-30 %, яъни 270

000-350 000 бошни ташкил этишини кутган эдик. Шуни эътироф этиш керакки, аэрофотосурат ва ердан суратга олиш турли ракурсда амалга оширилади, бу эса баҳолардаги фарқларга олиб келиши мумкин. Эҳтимол ердан ўрганишда сайфоқ популяциясининг фақат олд қаторигина кузатилган. Шу билан бирга, аэрофотосуратнинг ҳам ўзига хос камчиликлари бор, шу жумладан, аввал олинган ҳайвонлар гурухини самолёт шовқини сабабли жойини алмаштирганда қайта қайд этиш. 2022 йилда Устюорт популяцияси ҳисобдан ўтказилганда ҳам шундай бўлган бўлиши мумкин, бунда ҳисобга кўра унинг сони 28 минг бошни, яъни аввалги йил маълумотларига нисбатан 133 фоизни ташкил этган эди. Бундан ташқари, танлаб олиш асосида жуда кўп бошли подалар сонини тахмин қилишда катта хатоликлар бўлиши

мумкин, чунки маршрутни ўрганиш ҳудудлари ичida ёки ундан ташқарида катта подалар сони камлиги сабабли, сонларни тахмин қилишда сезиларли орттириш ёки камайтириш содир бўлиши мумкин.

Вилоятдан хабар қилинган ёввойи ҳайвонлар ва ердан фойдаланувчилар орасидаги тўғридан-тўғри конфликтларга келсак, Қазталов ва Жанибек туманлари худудининг қарийб 70-80 % фермерларга ижарага берилганини айтиб ўтиш жоиз. Бундан ташқари, қишлоқлар атрофидаги яловлар қўзилаш мавсумида умумий яшаш майдонининг 5-10% ни ташкил қиласди. Демак қўриқланадиган ҳудуддан ташқари ерларнинг 80% чорвачилик учун фойдаланилади. Қўзилаш жойларига келсак, бизнинг ҳисоб-китобларга кўра, сайфоқларнинг 61 % чорвачилик



1-расм. Фарбий Қозоғистон вилоятининг Қазталов ва Жанибек туманларидағи қўзилаш жойлари. Қишлоқ хўжалиги учун ижарага берилган ерлар фақат қўзилаш жойлари доирасида акс эттирилган, улардан ташқарида 70-80% га яқин ер ижарага берилган, бунда қўриқланадиган табиий худудлар бундан мустасно (Харита Айбат Музбай томонидан ишлаб чиқилган).

учун ижарага берилган ерларда туғилган. Икки күзилаш жойлари ижарага берилмаган құриқланадиган ҳудудда жойлашганинги ва демек чорвачиликда фойдаланмаслигини ҳисобга олсак, бу күрсаткыч нисбатан катта әмас (1-расм). Чорва моллари ва сайгоқлар бир хил жойларда үтлаши сабабли, бу икки объектта таъсирни баҳолаш қийин. Фермерлар билан ярим тизимли сұхбатлар шуни күрсатдикі, потенциал фермерлар томонидан тұлық аңғланған қыйинчиліктарға (ем учун кураш, касаллік тарқалиши ва ҳ.к.) қарамай, уларнинг аксарияти ушбу турдан маълум даражада барқарор фойдаланыш имконияти билан сайгоқ билан ёнма-ён яшашга тайёр. Шунинг учун биз фермерларни ўз яйловларыда сайгоқларни қабул қилишга үндаш учун жуда оддий механизмни таклиф қиласяпмиз. Таклиф этилаётган ёндашувга асосан яйловлар ва пичанзорлар сайгоқнинг таъсирини ва натижада олинган фойда тақсимотини

акс эттирувчи 3 та тоифага бўлинади: сайгоқлар баҳорги күзилаш учун фойдаланадиган яйловлар / пичанзорлар; сайгоқларнинг катта подалари фойдаланадиган яйловлар / пичанзорлар ( $>5000$ ); ва сайгоқнинг кичик подалари фойдалана-диган яйловлар / пичанзорлар ( $<5000$ ).

Экспедиция давомида Ғарбий Қозогистон вилоятининг шимолидаги вазият ҳам үрганилди, бу ерда сайгоқлар тарқалиш қисми бүғдой әқинлари эгаллаган ерларга қисман тұғри келади. Бу жойлардан сайгоқлар асосан май ойининг иккінчи ярмидан бошлаб бутун ёз давомида фойдаланади. Жамоамиз у ерда қүзилаш жойларини кузатмаган. Фермерлар мунтазам равища сайгоқларни ўз далаларидан ҳайдаб туришади. Бироқ, әкин майдонлагида күпинча чорва моллари ҳам кириб туради, шунинг учун яйловларда бўлгани каби, қайси ҳайвонлар зарар етказганини батафсил аниқлаш жуда қийин. Шу

сабабли, ягона вариант – фермерларни ҳозиргидан кўра жанубийроқ далалардан фойдаланишга ундамайдиган тарзда электр тұсиқлар қуришни қисман молиялаштириш. Бизнинг сафаримиз давомида бу ҳудудда атиги икки юзга яқин сайгоқ кузатилган бўлсада, келажакда зиддият кучайишини кутиш мумкин, чунки сайгоқлар улар учун яшаш жойи сифатида мос бўлган қишлоқ хўжалиги далаларидан жанубда жойлашган ерлар ҳисобидан ареалини кенгайтириши мумкин.

<sup>1</sup> Грайфсвалд университети

<sup>2</sup> NABU, табиат ва биохилма-хилликни сақлаш Иттифоки

<sup>3</sup> "Табиги Үрта" уюшмаси, Қозогистон

\* Муаллиф-мухбир: [til.dieterich@gmail.com](mailto:til.dieterich@gmail.com)



2-расм. Уй ҳайвонлари сайгоқлар билан аралашмаган, бироқ баъзи ҳолларда бир-биридан 100-200 метр масофада үтлаган. 2023 йил май ойи. Айбат Музбай сурати

ВЯЧЕСЛАВ РОЖНОВ<sup>1\*</sup>, АННА ЯЧМЕННИКОВА<sup>1</sup>, ХОЗЕ ЭРНАНДЕС-БЛАНКО<sup>1</sup>, ПАВЕЛ САЛЬМАН<sup>2</sup>, МАРИЯ ЧИСТОПОЛОВА<sup>1</sup>, АЛЕКСАНДР САЛЬМАН<sup>2</sup>, АЛЕКСАНДР МИНАЕВ<sup>1</sup>, АННА ЛУЩЕКИНА<sup>1</sup>

## Шимолий-Гарбий Каспий мінтақасидаги сайғоқлар сонини ва унинг тарқалишини баҳолаш учун масофавий усуллар ва сунъий интеллектдан фойдаланиш

**Шимолий-Гарбий Каспий мінтақасининг ҳозирги вақтда бошқа популяцияларидан ажратилган сайғоқ популяцияси Астрахан вилоятининг жануби-гарбий ҳудудларида (Лиманский тумани) ва Қалмогистон Республикасининг шарқий (Яшкулинский ва Черноземелский) вилоятларида яшайди. Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, популяциянинг сони, кўрилган табиатни муҳофаза қилишнинг барча чоралари ва ҳайвонлар сонининг умумий кўпайиши тенденциясига қарамай, кўп йиллар давомида паст даражада қолмоқда, бу ҳолат турни Россия Федерацияси Қизил китобига киритиш (2021) учун асос бўлиб хизмат қилган. Бугунги кунга қадар ушбу популяциядаги сайғоқларнинг ҳақиқий сони тўғрисида ишончли, статистик тасдиқланган маълумотлар йўқ. Бироқ, бу кўрсаткич мониторингнинг энг муҳим информацион жиҳатларидан биридир. Бундан ташқари, мониторингнинг муҳим элементи – сайғоқларнинг ҳаракатини ва уларнинг яшаш жойларининг маълум бир ҳудудида ўтказган вақтини ўрганишдир.**

Лойиҳамизнинг мақсадлари турли хил архитектуранинг (К ва В) чуқур ўрамали нейрон тармоқлари комбинациясидан фойдаланган ҳолда ўта юқори аниқлiddagi оптик сунъий йўлдош тасвиirlарида сайғоқларни аниқлаш, ҳисоблаш методологиясini ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш ҳамда инструментал усуллардан фойдаланган ҳолда ҳайвонларнинг Шимолий-Гарбий Каспий денгизи ҳудудидан фойдаланиши динамикасини ўрганишдан иборат эди.


Сунъий йўлдош тасвиirlарида сайғоқларни аниқлаш ва ҳисоблаш учун ўта юқори аниқлiddagi оптик маълумотлардан (0,5 м/пикселдан кам бўлмаган) фойдаланиш керак. Бундай ҳолда, ҳар бир ҳайвон тасвиirlинг бир нечта пикселини эгаллайди ва тасвиir таҳлил қилиш учун мос келади. Ўрганилаётган ҳудудни

ҳайвонлар энг кам кўчиб юрган даврда ўрганиш мақсадга мувофиқ, бу давр сайғоқларнинг қочиши (гон) даврига тўғри келади: одатда ноябрь ойининг охирги ўн кунлигидан январнинг биринчи ўн кунлигигача давом этади.


Сунъий интеллект ёрдамида автоматик ҳисоблаш техникаси асосларини ишлаб чиқиш учун биз 2012 йил 22 ноябрда Eros-B (ImageSat International, Истроил) сунъий йўлдошдан олинган тасвиirlардан фойдаландик. Усулни ишлаб чиқиш учун асос сифатида фойдаланилган тасвиir (1a-расм) Астрахан вилояти ва Қалмогистон Республикаси ўтасидаги маъмурӣ чегарада жойлашган 8 × 32 км майдонни қамраб олган. Ишлаб чиқилган тизимнинг амалий самарадорлигини текшириш ва иккита кўшни алоҳида қўриқланадиган табиат қўриқхонаси «Черные

земли» (Қалмогистон Республикаси) ва Степной қўриқхонасини (Астрахан вилояти) қамраб олган 1 600 км<sup>2</sup> майдонга эга намунавий ҳудудда ҳайвонларнинг ҳақиқий сонини аниқлаш учун 2022 йил 2-декабрда бошқа сунъий йўлдош – KA Beijing (Twenty First Century Aerospace Technology, XXP) дан олинган 0,45-0,7 м/пикселли тасвиirlардан фойдаланилди (1b-расм).

Сунъий йўлдош тасвиirlарини таҳлил қилишнинг биринчи босқичида сайғоқлар В. Рожнов ва бошқалар (2014) мақоласида баён этилган тамоилларга мувофиқ "қўлда" аниқланган. Таклиф этилган ҳараткатлар кетма-кетлиги ва иш босқичлари оператор томонидан нейрон тармоқни дастлабки "ўқитиш" учун ишлатилган, бу ўта аниқ сунъий йўлдош тасвиirlари билан ишлашнинг икки фазали тамоилини белгилади. Сунъий йўлдош тасвирида ҳайвонларни тез автоматик идентификация қилиш ва ҳисоблаш муаммосини ҳал қилишда асосий қийинчилек уларнинг кичик ўлчамларидадир: ҳар бир бош тасвирида бир неча пикселни эгаллайди холос. Шунинг учун, бутун сунъий йўлдош тасвирини таҳлил қилганда, барча сайғоқларни нотўғри аниқлашларга йўл кўймаган ҳолда ишончли аниқлаш жуда қийин. Шу сабабли ҳайвонларни автоматик тарзда ҳисоблаш масаласи икки босқичда ҳал қилинди, иккаласи ҳам тасвиiri самарали қайта ишлаш учун мўлжалланган сунъий интеллект технологияси – чуқур ўрамили нейрон тармоқлар (ГКНС / DCNN), лекин турли хил архитектуралардан фойдаланган ҳолда. Биринчи босқичда ("таснифлаш"/ГКНС-К) алгоритм тасвиiri сегментларга бўлиш ва ҳар бир сегментни сояли ёрқин кичик объектлар кластерларини аниқлаш учун кетма-кет текширишга ўргатилган. Шундай қилиб, алгоритм эксперт-операторни қизиқтирадиган камида битта объект (сайғоқ антилопаси) ўрганилаётган тасвиir фрагментида мавжудлиги тўғрисида қарор қабул қиласи. Иккинчи босқичда ("идентификация"/ГКНС-В) фақат сунъий йўлдош тасвиirининг илгари ГКНС-К томонидан



1-расм. (а) сунъий интеллект ёрдамида сайфоқларни автоматик ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш ва (б) жорий маълумотлар бўйича ишлаб чиқилган усулни синаб қўриш учун фойдаланиладиган сунъий йўлдош тасвирлари билан худудни қамраб олиш (б).



2-расм. Сунъий интеллектнинг сунъий йўлдош тасвирларида сайгоқларни автоматлаштирилган ҳисоби бўйича натижалар: а – тасвирни сегментациялаш ва сояли ёрқин кичик объектлар кластерларини аниқлаш учун ҳар бир сегментни кетма-кет текшириш (1-босқич - ГКНС-К), б - ГКНС-К томонидан "камида битта сайгоқни ўз ичига олган" деб олдиндан баҳоланганд тасвир сегментларини таҳлил қилиш. (2-босқич - ГКНС-В).

"камиди битта сайфоқни ўз ичига олган" деб баҳоланган бўлаклари таҳлил қилинади, бу эса нотўғри аниқлашлар сонини минималлаштириш имконини беради. Ушбу фрагментларни бошқа архитектурага эга (ГКНС-В) нейрон тармоғи томонидан қайта ишлаш жараёнида бошқа алгоритм кўлланилади – натижада ҳар бир бош аниқланади, ҳар бир объект учун координаталар, ўлчамлар ва ишонч кўрсаткичи ҳисобланади (2-расм).

Биз ишимизда мутахассис операторнинг кўл ишини бевосита жалб қилмасдан, ўта юқори аниқликдаги оптик сунъий йўлдош тасвиirlарини автоматлаштирилган қайта ишлашнинг имконият мавжудлигини кўрсатдик. Бу сунъий интеллектдан фойдалангандан ҳолда чўл экотизимларида сайфоқларни аниқлаш ва ҳисоблашнинг тўлиқ универсал самарали ва замонавий автоматик тизимини салоҳиятли шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Нотўғри салбий ва нотўғри ижобий аниқлашлар ҳам баҳоланди. Нотўғри ижобий аниқланишлар бўлаклари подани тўлиқ битта яҳлит кўпбурчак сифатида эмас, парча-парча ҳолда қоплайди холос. Ушбу мезон бўйича ёввойи ҳайвонларнинг подаларини эркин боқиладиган чорва молларидан фильтрлаш мумкин (Рожнов ва бошк., 2014): ҳар бир алоҳида ўтлаган ҳайвон ва подада ҳайвонлар орасидаги масофалар тизими тубдан фарқ қиласди (чорва подалари зичроқ ўтланади).

Сунъий интеллект ёрдамида ўтказилган сунъий йўлдош тасвиirlари таҳлили натижаларига кўра, 2022 йил декабрь ҳолатига

кўра, 1600 км<sup>2</sup> ўрганилаётган ҳудуддаги сайфоқлар сони 50 дан 100% гача бўлган эҳтимоллик билан 26 584 тадан кам эмаслиги аниқланди. Ҳар бир аниқланган объектга 0-100% оралиғида ишонч даражаси берилган. Операторлар томонидан кўлда амалга оширилган тасвир таҳлили натижалари кўринишидаги валидация танланмаси аниқлик ва тўлиқлик метрикаларига асосан тармоғимизнинг энг яхши ишонч чегарасини аниқланган объект сайфоқ антилопаси бўлиш эҳтимоли 50% деб баҳоладик. Аммо бу кўрсаткич анча қўпол деб қабул қилиниши мумкин. Биз бошқа чегара қўйматлари учун ҳам қўйматларни тақдим этамиз: 0,6 – 21 912, 0,7 – 16 809, 0,8 – 11 215, 0,9 – 4548. Натижаларни текшириш сунъий интеллект ёрдамида аниқланган сайфоқларни кам санаш ва уларни ортиқча санаш ҳолатлари мавжудлигини кўрсатди. "Кўшимча ўқитиши" ва нейрон тармоқларни такомиллаштириш зоолог томонидан кўлда текширишни талаб қиласди, бу жараён ҳозирда давом этмоқда.

Келажакда турли хил параметрларга эга бўлган ва турли хил сунъий йўлдош моделларидан олинган тасвиirlарни қайta ишлашга имкон берадиган бундай юқори сифатли тизимнинг яратилиши кирувчи сунъий йўлдош тасвиirlарини таҳлил қилиш асосида ҳайвонларнинг сонини тўлиқ автоматик режимда бир неча дақиқада мониторинг қилиш тизимини шакллантиришга ёрдам беради.

Сайфоқларнинг ҳаракатини фақат ҳар хил турдаги маҳсус узатгичлар ёрдамида кузатиш мумкин, бу ҳақда SN-27 да ёзган эдик. Сайфоқнинг ҳаракатини ўрганиш учун биз


РФА А.Н. Северцов номли Экология ва эволюция муаммолари институти томонидан ишлаб чиқилган GPS/GLONASS-GSM (Moosefarmer, Россия) узатгичли бўйинбоғдан фойдаланилди. Узатгич Астрахан овчилик давлат корхонаси нинг (Астрахан вилояти) «Сайфоқ» парваришхонасида етиштирилган етти ойлик эркак сайфоққа кийдирилди ва у 2022 йил 26 ноябрда яхши қўриқланадиган «Степной» қўриқхонаси ҳудудига қўйиб юборилди. Олти ой давомида бу узатгич учта алоҳида қўриқланадиган ҳудуд – «Степной» қўриқхонаси, «Қора ерлар» қўриқхонаси ва унинг бир қисми бўлган Меклетин қўриқхонасида сайфоқ босиб ўтган камида 2800 км йўлдан 4388 жой локациясини узатди (3-расм). Олинган материал бизга кейинчалик турнинг фазовий экологиясининг муҳим, илгари ўрганилмаган томонларини аниқлаш имконини беради.

**Миннатдорлик.** Ишлар ПАО «Лукойл» («Лукойл-Нижневолжскнефть» МЧЖ) ва ПАО Сбербанкнинг Волгабўйича банки томонидан қўллаб-куватланди. Муаллифлар Астрахан вилояти табиий ресурслардан фойдаланиш ва атрофмуҳитни муҳофаза қилиш хизмати раҳбариятига, Астрахан давлат овчилик агентлиги ва унинг сайфоқ парваришхонаси ҳамда Астрахан вилояти «Степной» давлат қўриқхонаси ходимларига ишимизга кўмак, самарали ҳамкорлик ва кўрсатган ёрдамлари учун миннатдорлик билдиради.

<sup>1</sup> РФА А.Н. Северцов номли Экология ва эволюция муаммолари институти, Россия, Москва шаҳри

<sup>2</sup> «Эс-Пас» МЧЖ Компанияси

\* Муаллиф-мухбир: [rozhnov-v-2015@yandex.ru](mailto:rozhnov-v-2015@yandex.ru)



3-расм. Степной құриқхонасида (Астрахан вилояти) қүйиб юборилған сайфоқнинг 2022 йил 26 ноябрьдан 2023 йил 26 майгача бўлган даврдаги юришлари.

НАДЕЖДА КАШИНИНА<sup>1\*</sup>, АННА ЛУЩЕКИНА<sup>1</sup>, ПАВЕЛ СОРОКИН<sup>1</sup>,  
КАРИНА ТАРАСЯН<sup>1</sup>, МАРИНА ХОЛОДОВА<sup>1</sup>

## Шимолий-Гарбий Каспий мintaқаси сайфоқ популяциясининг генетик хилма-хиллиги (*Saiga tatarica tatarica*) нейтрал ва функционал аҳамиятга эга маркерлар полиморфизми асосида

**Популяция сонининг кескин камайиши генетик хилма-хилликнинг камайишига олиб келиши мумкин деб ҳисобланади. билан бирга бўлиши мумкин, деб ишонилади. Европадаги Шимолий-гарбий Каспий мintaқасида яшовчи сайфоқнинг ягона географик жиҳатдан ажратилган популяцияси сони сўнгги 20 йил ичидаги 40 баробардан зиёд камайди, шунинг учун унинг генетик хилма-хиллигини ўрганиш зарурати туғилди.**

Ушбу популяциянинг генетик хилма-хиллиги даражасини баҳолаш учун танланадиган нейтрал ва функционал аҳамиятга эга маркерларнинг полиморфизми таҳлил қилинди. Танланадиган нейтрал белгиларга митохондриал ДНК (мтДНК) ва ядро ДНКсининг (ядНК) микросателлит локуслари киради. МтДНК фақат оналик ирсият йўллари орқали узатилади ва мтДНКнинг назорат зонаси (D -имлоқ) түёкли ҳайвонларда энг юқори мутацияга эга ҳисобланади. Ядро ДНКсининг аутосом микросателлит локуслари ҳам оталик, ҳам оналик ирсият йўллари бўйича узатилади ва улардаги мутацияларнинг пайдо бўлиш тезлиги мтДНКдаги мутацияларнинг тўпланиш тезлигидан юқори. Функционал жиҳатдан аҳамиятли генлар, биринчи навбатда, умуртқали ҳайвонларда иммунитет реакциясини шакллантиришда катта роль ўйнайдиган асосий гистологик мослашув комплекси (МНС – Major histocompatibility complex) генларини ўз ичига олади. МНС генларини таҳлил қилиш, айниқса, сони узоқ вақт давомида ҳалокатли даражада камайиб бораётган турлар учун жуда муҳимдир. Бундай турларга сайфоқ ҳам киради.

Тадқиқотни амалга ошириш учун биз 1990 йилларнинг охиридан бери ҳозирги вақтга қадар Қалмоғистондаги «Қора Ерлар» қўриқхонаси ва Астрахан вилоятидаги «Степной» қўриқхонаси ҳудудида тўпланган материаллардан фойдаландик.. Намуналар вақт оралиғига кўра икки гуруҳга бўлинган – бир гуруҳга сайфоқ популяциясидаги охирги депрессиянинг дастлабки босқичида – 1999-2000 йилларда тўпланган намуналар киритилди («Old»), иккинчиси – 2010, 2011 ва 2016 йилларда тўпланган намуналар («New»). Намуналар инвазив бўлмаган усувлар билан ҳам (нажас, бўрилар томонидан ўлдирилган ҳайвонларнинг тўқималари), ҳам 2010-2011 йилларда янги туғилган қўзиларнинг ҳолатини ўрганиш мақсадида киндикларидан олинган (1-расм).

Кўйидаги молекуляр маркерлардан фойдаланилган: назорат зонасидан түёкли ҳайвонларда мтДНКнинг энг тез мутацияга учраган қисми, ядНК 8 микросателлит локуслари (STa14, STa20, STa26, STa30, STa39, STa41, STa43 и STa47), (Nowak et al., 2003), организмнинг патогенлар – паразитлар ва бактериал шаклларнинг

таъсирига иммун реакцияси билан боғлиқ бўлган МНС II синфининг функционал аҳамиятга эга DRB3 гени фрагменти. Жами мтДНК назорат зонасининг 86 та кетма-кетлиги олинди («Old»=45, «New»=41). Уларнинг узунлиги 918 дан 924 п.н.гача бўлган инсерция/делеция (инделлар) узунлигига боғлиқ ҳолда.

51 гаплотип тасвирангган, улардан 11 таси 2 дан 14 тагача намунани ўз ичига олган, қолганлари ноёб эди (2-расм). Олинган сайфоқ гаплотипларининг нуклеотидлар кетма-кетлиги NCBI (GenBank №: MT150278-MT150328) генетик маълумотлар базасига жойлаштирилди.

Умумий танланмада гаплотип хилма-хиллиги (Н) 0,92+/-0,02 ташкил этди, нуклеотид хилма-хиллиги (п) – 0,028+/-0,01 ташкил этди, бу ёввойи бўшшохилар учун жуда юқори кўрсаткичидир. Икки гуруҳ намуналари («Old» и «New») учун олинган натижаларни солиштирганда, хилма-хиллик кўрсаткичларида сезиларли фарқлар топилмади. Ушбу намуналар орасидаги генетик масофа нолга тенг бўлди. МтДНК назорат зонасидаги генетик хилма-хилликнинг юқори даражасини иккита сабаб билан изоҳлаш мумкин: биринчи сабаб – 10-16 йил хилма-хиллик қисқариши учун вақт етарли эмас, иккинчиси – аждодлар популяциясида дастлабки хилма-хиллик янада юқори бўлган.

**Миннатдорлик.** Тадқиқот Сайфоқни сақлаш бўйича Альянснинг кичик грантлар дастури томонидан қўллаб-куватланди ва биз бу имконият учун жуда миннатдормиз. Шунингдек, биз Анна Лушчекина ва «Степной» давлат қўриқхонаси ходимларига, айниқса, Владимир Калников ва Галина Калниковага маълумотларни тўплашда бебаҳо ёрдами учун миннатдорлик билдирамиз.

<sup>1</sup> Умуртқалилар зоологияси кафедраси, биология факультети, Санкт-Петербург давлат университети, Санкт-Петербург, Россия

\* Муаллиф-мухбир: [k.karenina@spbu.ru](mailto:k.karenina@spbu.ru)

ЖОЗЕФ БУЛЛ<sup>1\*</sup>, ЕЛЕНА БИКОВА<sup>2</sup>, АЛЕКСАНДР ЕСИПОВ<sup>2</sup>

## Үйғониш оролида сайғоққа таҳдидларнинг ўзгариши

Доимий ўқувчиларимиз Орол дengizininнг ўртасида Ўзбекистоннинг чекка бир гўша-сида жойлашган, ҳозир эса материк билан боғланган Үйғониш оролидан хабардор бўлса керак (*батафсил маълумот учун SN-28 га қаранг*). Орол ноёб табиатнинг ривожланиши ва инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган бой ва қизиқарли тарихга эга: турли вақтларда у ов қилиш ва махфий совет ҳарбий лойиҳаларини амалга ошириш жойига айланди ва ҳозир унинг ҳудудидан ўрмон хўжалигида ва табиий газни қазиб олиш учун тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Үйғониш ороли Ўзбекистондаги янги кўриқланадиган табиий ҳудуд (ҚТХ) – Оролқум миллий боғининг асосий таркибий қисмларидан биридир. Хўш, Үйғониш оролида сайғоқни қандай таҳдидлар кутмоқда?

Үйғониш оролининг бой фаунаси сайғоқ (тахминан 100-150 бош), шунингдек табиатни муҳофаза қилиш учун қизиқ бўлган бошқа кўплаб турларни ўз ичига олади (масалан, узун игнали типратикан *Paraechinus hypomelas*, каракал *Caracal caracal*, судралувчилар Ўрта Осиё тошбақаси *Testudo horsfieldii*, тўрт чизиқли илон *Elaphe sauromates* ва *Eryx tataricus*, қушлар – фламинго *Phoenicopterus roseus*, дашт бўктаргиси *Circaetus pallidus*, дашт бургути *Aquila nipalensis*, қиронқора *Aquila heliaca* ва бургут *Aquila chrysaetos*). Бундан ташқари, оролда тадқиқотчиларни ҳайратланарли кашфиётлар кутаётган эди: яқинда у ерда шақол *Canis aureus* кузатилди, у табиий сукцессия натижасида

биринчи марта шу қадар шимолгача саёҳат қилган эди. Үйғониш ороли ва унинг атрофида қайд этилган умуртқали ҳайвонларнинг умумий рўйхати 130 турни (1 та амфибия, 11 та судралувчи, 93 та қуш ва 25 та сутэмизувчиларни) ўз ичига олади. Биз бу ҳақда кўплаб дала тадқиқотлари, жумладан, фототузоқлардан фойдаланиш натижасида билиб олдик. Оролда мунтазам равишда турли лойиҳалар, жумладан Дарвин ташаббуси томонидан қўллаб-қувватланган «Үйғониш ороли» лойиҳамиз ([хавола: 28-003](#); шунингдек қаранг: *Expedition to the Resurrection Island* («Экспедиция на остров Возрождения»), Сайғоқни сақлаш бўйича Альянс, 2022 йил август). Илгари Үйғониш оролида ва

бошқа ҳудудларда сайғоқ ва бошқа турлар оммавий тарзда ов объекти бўлган (*SN-28 қаранг*).

Бироқ, агар яқин ўтмишда сайғоқнинг ноқонуний овланиши учраб турган бўлсада (буни ўз кузатишларимиз ҳам, маҳаллий аҳоли сўровлари ҳам тасдиқлаган), сўнгги бир неча йил ичидаги юқорида айтиб ўтилган дала тадқиқотлари давомида биз ушбу турни оролнинг ўзида ҳам қуриган Орол дengizininнг собиқ тубининг бутун ҳудуди ўйлаб ҳам қириш изларини деярли учратмадик. Агар бу ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, унда бу ҳолат бир неча сабабларга кўра юзага келиши мумкин. Биринчидан, собиқ оролларга бориш қийинлиги, узоқлиги ва оғир иқлим шароитич – улар аҳоли пунктларидан узоқда жойлашганлиги, ўрмон хўжалиги ишлари натижасида яратилган жўякларнинг кўплиги ва собиқ дengiz туви бўйлаб турли йўналишларда ўтганлиги сабабли у ерга юриш жуда қийин; Бундан ташқари, сайғоқлар кўпинча одамлар ета олмайдиган жойларда юришни хуш кўради, бу эса, эҳтимол, бу турни овлашни жуда қийин ва даромадсиз ишга айлантиради. Шу билан бирга, яқин атрофдаги давлат чегарасини кўриқловчи чегарачилар ва миллий боғ ходимлари сони кўпайди, табиий газни қидириш ва қазиб олиш бўйича саноат корхоналари тармоғи кенгайди (хусусан, Ғарбий Орол газ конини ўзлаштириш бошланди). Яқинда ўтказилган ижтимоий сўровлар натижаларига кўра (Дарвин



Үйғониш оролида ёввойи ҳайвонларнинг кўплаб турлари фототузоққа тушиб қолган: суратда чўл мушуки ва бўрсиқни қўриш мумкин. Зоология институти / Александр Есипов сурати

ташаббуси томонидан қўллаб-қувватланган лойиҳамиз веб-сайтига қаранг), биз етарлича ишонч билан айтишимиз мумкинки, сайфоқларни ноқонуний овлаш маҳаллий аҳолини кўп қизиқтиrmайди.

Бир томондан, бу қувонч учун сабабдир: сайфоқларнинг анчагина катта популяцияси Үйғониш оролида потенциал браконьерлар қўли етмайдиган жойда яшайди (ва кўпаяди).

Бироқ, бу икки қиррали қиличdir, чунки сайфоқлар одамлар томонидан жиддий безовталанишга ҳали ҳам учрамоқда. Ўрмон хўжалиги ва газ қазиб олиш фаоллашган жойларда сайфоқ мавжудлиги белгилари сезиларли даражада кам; бу уларнинг безовталаниши мумкин бўлган жойлардан узоқлашидан дарак беради. Бу бизнинг сайфоқларнинг хатти-ҳаракатлари ҳақидаги билимимизга тўлиқ мос келади. Оғир автомобиллар ҳаракати, қудукларни бурғулаш ва инфратузилмани қуриш натижасида ҳосил бўлган шовқин; ҳайвонларнинг ҳаракатига тўскىнлик қиладиган объектларнинг пайдо бўлиши; Ҳозирги вақтда нафақат ҳайвонлар, балки одамлар ҳам фойдаланадиган табиий ресурслар, жумладан, сувнинг камайиши – буларнинг барчаси сайфоқларнинг бу ҳудудлардан бошқа жойларга тез кетишига сабаб бўлмоқда. Собиқ Орол дengizini тубида ҳосил бўлган

Оролкум чўлининг улканлиги ва узоқлигига қарамай, бу ҳайвонларнинг яширина-диган жойлари тобора камайиб бормоқда.

Буларнинг барчаси янги «Оролкум» кўриқланадиган ҳудуднинг катта аҳамиятидан далолат беради: бу нафақат ушбу ҳудуднинг ёввойи ҳайвонларини ҳимоя қилиш, балки уларнинг одамлар билан муносабатларида ҳам муроса топишга ёрдам беради. Муҳофаза қилинадиган ҳудуд бу ҳудудда яшовчи турлар манфатини ҳам, дengiz йўқолганига қарамай у ерда ривожланаётган иқтисодий фаолият, хусусан, табиий газ қазиб олиш ва ўрмон хўжалиги таъсирида юзага кела-диган босимни ҳам ҳисобга олиши керак.

Шундай қилиб, биз сайфоқни овлаш дара-жасининг пасайиши ва ушбу турнинг яшаш истиқболлари пайдо бўлишидан хурсанд бўлишимиз мумкин. Шу билан бирга, биз эҳтиёткорлигимизни пасайтираслигимиз керак. Үйғониш ороли ва унинг атрофидағи сайфоқ популяциясининг потенциал заифлигини инобатга олган ҳолда, инсоннинг сайфоқ ва бошқа ёввойи табиат вакилларига таъсирини бутун минтақада минималлаштириш жуда муҳим.

<sup>1</sup> Оксфорд университети, Буюк Британия

<sup>2</sup> Зоология институти, Ўзбекистон

\* Муаллиф-мухбир: [joseph.bull@biology.ox.ac.uk](mailto:joseph.bull@biology.ox.ac.uk)



Орол дengizinin собиқ тубига саксовул экиш ташаббуси доирасида яратилган қирроқ ва жўяклар ҳудудда ҳаракатланишини қийинлаштирумокда. Ж. Булл сурати



Үйғониш оролида ва унинг яқинида сайфоқ излари мунтазам равишида қайд этилади, бироқ улар инсон фаолият кўрсатадиган ҳудудлар атрофида, ҳатто браконьерлик бўлмаса ҳам, учрамайди. Ж. Булл сурати



Орол дengizinin қуриган тубида ҳомиладор ургочи сайфоқ. Зоология институти / Александр Есипов сурати

ЦАЙ СЮТУН<sup>1</sup>, ЭМИ ХИНСЛИ<sup>2</sup>, Л. РОМАН КАРРАСКО<sup>1</sup>,  
ДИОГО ВЕРИССИМО<sup>2\*</sup>

## Сингапур ва Японияда сайфоқ шохларига бўлган талабнинг пасайиши: хатти-ҳаракатни ўзгартириш бўйича амалга оширилаётган лойиҳа

Сайфоқ (*Saiga tatarica*) CITES II иловасига киритилган бўлсада, Сингапур ва Япония каби мамлакатларда сайфоқ шохи маҳсулотларининг ички савдосига ҳамон рухсат берилган (Roberts et al., 2021). Сингапурда сайфоқ шохи анъанавий хитой табобатида (АХТ) линг ян ёки линг ян цзою (羚羊/羚羊角) номлари билан қўлланилади, Японияда эса сайфоқ шохи рей йо каку (羚羊角) номи билан танилган ва илдизлари АХТга олиб борадиган "кампо" анъанавий тиббиётда таркибий қисм сифатида ишлатилади. Сайфоқ шохлари Сингапурдаги АХТ дўконлари ва онлайн-дўконларда кенг тарқалган бўлиб, кўпинча "совутиш суви" нинг таркибий қисми сифатида ишлатилади (1-расм). Японияда сайфоқ шохини ўз ичига олган маҳсулотлар ассортименти ҳақида кам нарса маълум, бироқ у бир нечта рецептсиз дори воситаларининг таркибий қисми сифатида қўлланилиши ҳақида далиллар мавжуд. АХТ маълумотларига кўра, инсон танаси «инъ» ва «янь» энергияларидан иборат ва сайфоқ шохи «инъ» энергияси етарли бўлмаганлигидан келиб чиқадиган ҳолат безгак ва иситмани тушириш (йўтал ва томоқ оғриғи каби аломатлари бўлган касалликлар) учун ишлатиладиган «инъ» энергиясини таъминлайдиган модда сифатида кўрилади.

Сайфоқ шохларига бўлган талабнинг юқорилиги турга хавф туғдиради. Сайфоқ маҳсулотларига бўлган талабни камайтириш муҳим, бу эса истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатларини ўзгартиришни талаб

қиласи. Буни ўрганиш учун Сингапурда асосий истеъмолчиларни аниқлаш учун сўров ўтказилди. Кейин 2019 йилда хабардорликни оширишга қаратилган стратегик онлайн реклама кампаниялари орқали хатти-ҳаракатларни ўзгартиришга далилларга асосланган уриниш амалга оширилди, аммо бу ҳаракатлар оддий истеъмолчилар орасида муваффақиятли бўлмади (Doughty et al., 2021). Акция давомида маҳаллий ахборот платформаларида сайфоқ шохларидан фойдаланишнинг хавфлилиги ҳақидаги реклама ва мақолалар 5 миллиондан ортиқ марта кўрилди. Уларнинг аксарияти жамоаларда ижобий жавоб олди (Doughty et al., 2021). Японияда сайфоқ шохи истеъмолчиларининг хатти-ҳаракатларини тушуниш ёки ўзгартириш бўйича тизимли ишлар ҳалигача амалга оширилмаган.

Эҳтимол, COVID-19 пандемияси туфайли сайфоқ шохларига бўлган талаб яна ошиди, чунки улар АХТда кўпинча коронавирус билан кузатилган симптомларни, хусусан, иситмани енгиллаштириш учун ишлатилади. Замонавий маълумотларнинг этишмаслиги ноқонуний ва экологик жиҳатдан бекарор савдони камайтириш учун истеъмолчилар билан ишлашнинг аниқ режасини ишлаб чиқишини қийинлаштиради.

Шу сабабли, аввалги саъй-ҳаракатларга қўшимча равишда, ҳозирги вақтда ушбу соҳани янада ривожлантириш учун АҚШ Балиқ ва ёввойи табиат хизмати томонидан молиялаштирилган янги лойиҳа



1-расм. Сингапурдаги АХТ оиласи вий дўконида топилган сайфоқ шохларидан олинган совутувчи сув. Цай Сютун сурати

амалга оширилмоқда. Оксфорд университети, Сингапур Миллий университети (NUS) ва Япониядаги Миллий атрофмуҳитни ўрганиш институти (NIES) билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳа доирасида Сингапурда ҳам, Японияда ҳам истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатлари ва истеъмол омиллари ҳақида маълумотлар ва тушунчалар тўпланади, самарали чоралар учун ишончли далиллар тақдим этилади.

Икки минтақага қаратилган лойиҳа аввал Сингапурда, кейин эса Японияда амалга оширилади. Биринчидан, пандемия истеъмолчиларнинг сайфоқ шохларидан фойдаланиш ҳақидаги тасаввурларига таъсир қилган ёки қилмаганлигини сифатли ўрганиш учун фокус-гурӯхлар ёрдамида Сингапурда янгилangan маълумотлар йиғилади. Шу билан бирга, COVID-19 нинг сайфоқ шохи истеъмолига таъсири аниқланади. Тадқиқотнинг иккинчи босқичи яна бошқа муҳим импорт қилувчи мамлакат – Японияда сайфоқ маҳсулотидан

фойдаланиш, асосий истеъмол хусусиятлари ва ҳаракатлантирувчи омиллар бўйича тадқиқот бўшлиғини тўлдириш учун сайфоқ шохи истеъмоли ўрганилади. Хулқ-авторни ўзгартириш бўйича ҳамкорлик чоралари Сингапурда ҳам, Японияда ҳам ишлаб чиқилади. Ниҳоят, қўшимча тадқиқотлар ёрдамида амалга оширилгандан аралашувларнинг самарадорлиги баҳоланади.

Сайфоқ анъанавий тиббиётда қўлланилайдиган ягона тур эмас. 2023 йил май ойида Сингапур Миллий университети қошидаги Осиё тадқиқот институти томонидан ташкил этилган «Оммавий қирилиб кетиш ва зооноз касалликлар даврида фаунани тиббийлаштириш» конференциясида тиббиётда бошқа ҳайвонлардан фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди. Олимлар ҳайвонлардан олинган доривор

маҳсулотларни харид қилишда истеъмолчиларнинг хулқ-авторига шахсий ва психологияк омиллар (масалан, эътиқодлар, инсоний хусусиятлар ва бошқалар), бозор ва маданият қандай таъсир кўрсатиши ҳақидаги қимматли тадқиқот тажрибаси ва фоялари билан бўлишди.

Конференцияда Оксфорд университетининг хулқ-автор ўзгаришини ривожлантириш ва баҳолаш бўйича мутахассиси Диого Вериссимо "шохларга бўлган талабни бошқариш орқали сайфоқни саклаш: Сингапур мисоли" мавзусида тақдимот қилди. Тақдимот давомида у сайфоқ шохининг асосий истеъмолчиларини аниқлаш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида тўлиқ маълумот берди ва хулқ-авторга таъсир қилишда тегишли чораларни ишлаб чиқиш учун зарур бўлган самарали аралашув кампаниясини

ташкил этиш учун тадқиқот ва социологик назарияларни интеграция қилиш жараёнини кўрсатиб берди.

<sup>1</sup> Сингапур миллий университети

<sup>2</sup> Оксфорд университети

\* Муаллиф-мухбир: [diogo.gasparverissimo@biology.ox.ac.uk](mailto:diogo.gasparverissimo@biology.ox.ac.uk)

THE STRAITSTIMES

SINGAPORE

LOG IN SUBSCRIBE

PDF

Recommended by Outbrain ▶

FOR SUBSCRIBERS

## Study: Chinese Singaporeans lack awareness over TCM remedy

Many who use products made from antelope horn do not know animal is critically endangered



2-расм. Кампания доирасида ёзилган маҳаллий янгиликлар манбасидаги мақолаларидан бири. Choo сурати, 2019 йил

ЗЕБО ИСАКОВА<sup>1\*</sup>, НИДА АЛЬ-ФУЛАЙДЖ<sup>2</sup>, НОДИРА ШААБАСОВА<sup>3</sup>,  
БАРНО МАММЕТОВА<sup>4</sup>

## Экотуризм – атроф-муҳит ҳақида тушунчани шакллантириш

**Экотуризм туризмнинг барқарор шакли бўлиб, у инсон нисбатан тегмаган жойларга саёҳат қилиш, ҳудуднинг асл ҳолатини саклаш ва маҳаллий аҳоли фаровонлигини кўллаб-куvvatлашни ўз ичига олади. «Экотуризм» атамасини биринчи марта мексикалик иқтисодчи Г. С. Ласкурейн таклиф қилган. Олимнинг фикрича, одамлар саёҳатдаги ижобий ҳис-туйғуларни фауна ва флорани ўрганиш билан уйғунлаштириб, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ёрдам бериши мумкин.**

«Уйғониш ороли: Оролбўйи табиатини асраш ва ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш доирасида Устюрт платоси ва Оролбўйи ҳудуди бўйлаб янги туристик йўналишлар ишлаб чиқилди. Ривожланган маршрутлар бўйича биринчи pilot саёҳат 2023 йил май ойида бўлиб ўтди. Биз Миздахон мажмуаси, Мазлум Хон Сулув ер ости мақбараси, Гаур Қалъа археологик мажмуаси каби ажойиб тарихий-меъморий масканларни зиёрат қилдик. Судочье кўлида тўхташ, Устюрт платосининг Шарқий қирининг ранг-баранг қоялари ва каньонлари бўйлаб саёҳат катта таассурот қолдирди. Платодан қуриб бораётган Орол денгизи ва қуриган денгиз тубида пайдо бўлган янги Оролқум чўлининг ҳайратланарли панорамасини кўриш мумкин. Саёҳат бир пайтлар фақат балиқчilar яшаган Мўйноқ шаҳрига ташриф билан давом этди – у ерда машҳур

«кемалар қабристони»ни зиёрат қилдик. Ундан кейин йўлимиз Орол денгизининг қуриган туви бўйлаб, ундан кейин Сулама бурни ва Возрождения оролига қадар давом этди. Бизда «оддий» сайёҳлар етиб бормайдиган бу чекка ҳудуднинг ғайри-оддий табиатини кузатиш, ўрмон экиш самарасини қўриш, ёввойи табият ҳаётини кузатиш, ноодатий геологик объектларга ташриф буориш учун кўплаб имкониятлар бўлди. Экскурсиямиз якунида маҳаллий фермер хўжалигида бўлдик, у ерда ипак пилла етиштириш жараёни билан танишдик ва анъанавий маҳаллий таомларни тайёрлаш бўйича мастер-классда қатнашдик. Pilot экскурсия бизга асосий хуносалар чиқаришга ва уни ривожлантириш бўйича тавсияларни шакллантиришга ёрдам берди.

### Асосий хуносалар:

- Масъулиятли сайёҳларнинг кичик групҳлари томонидан тегилмаган табиий обьектларга ташрифи атроф-муҳитга паст таъсир кўрсатади ва маҳаллий аҳолининг иқтисодий аҳволини яхшилади.
- Ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликларнинг яшаш жойларига, таъсирчан ландшафтларга (масалан, Устюрт қояларига, «Динозавр тухумлари» геологик обьектига) ташриф буюриш эко-турларнинг жозибадорлигини оширади.
- Маҳаллий маданият ва урф-одатларни акс эттирувчи жойларда (масалан, Беш-қалъа оромгоҳи, Сулама сайёҳлик маркази) жойлашиш фаол машгулотлар (пиёда саёҳатлар, ғайриоддий ландшафтларни суратга олиш, денгизда сузиш) билан уйғунлашган ҳолда эко-турларнинг жозибадорлиги ва тарбиявий аҳамиятини оширади.
- Нисбатан тегилмаган табиий ҳудудларни зиёрат қилишга қаратилган экотуризм, агротуризм ва сайёҳлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қўришлари мумкин бўлган қишлоқ туризми билан биргаликда табият туризмiga жуда мос келади ва жуда жозибали ва самарали бўлиши мумкин.
- Танишув сафари давомида маҳаллий маҳсулотлардан тайёрланган сифат, хавфсизлик, гигиена ва қулайлик



SCA жамоаси Орол денгизи,  
Сулама бурни фонида.  
Оролқум миллий боғи.  
Нодира Шаабасова сурати

стандартларига жавоб берадиган аńянавий таомлар билан таъминландик. Бизнинг фикримизча, меҳмонлар маҳаллий ошхона орқали миңтақавий ва миллий маданий аńяналар билан танишишлари ва ўзлари бевосита овқат тайёрлашда иштирок этишлари мумкин бўлган гастрономик туризм элементларини ҳам киритишни тавсия қилишимиз мумкин.

- Экскурсиялар асосан маҳаллий маҳсулотлар ва ишчи кучидан фойдаланганлиги сабабли улар иш ўринлари яратиш ва маҳаллий ресурслардан фойдаланишда маҳаллий ҳамжамиятларга яхши кўмак бўлади.
- Аńянавий сайёхлик йўналишларидан ташқарида жойлашган чекка ҳудудларга боришни хоҳловчилар учун тўлиқ маршрут яратиш учун кўплаб ноёб моддий ва номоддий дикқатга сазовор жойлар мавжуд.

Экотуризмнинг барча афзаллеклари ва ижобий томонларига қарамай, биз **ўрган-ған қўйидаги сабоқларни** ҳам ёдда тутишимиз керак:

- Табиат кўйинда яшашга тайёр бўлмаган ва «четга» ташриф бўюрадиган одамлар экотурларда иштирок этиш учун маҳсус тайёргарликка муҳтоҷлигини тушуниш керак. Табиат ва ёввойи ерлар билан танишиш маърифий ва завқли бўлиши мумкин,

лекин шу билан бирга у минимал қуляйлик билан боғлиқ – ҳамма ҳам оддий иссиқ сувсиз ёки овқатсиз чодирларда тунашга тайёр эмас. Саёҳатчиларга экскурсия айнан нимани ўз ичига олиши, мумкин бўлган хавф-хатарлар, қандай ноқулайликларга дуч келиши ва саёҳатни янада қуляйроқ ва хавфсизроқ қилиш учун ўзлари билан нима олиб боришлари кераклиги ҳақида олдиндан хабардор қилиниши керак.

- Маршрут бўйлаб тўхташ жойларини аниқлаш ва уларни тўғри тартибга солиш, тунаш учун хавфсиз жойларни олдиндан белгилаш ва жиҳозлаш мұхим аҳамиятга эга.
- Фототузоқларидан ёввойи ҳайвонларнинг сурат ва видеоларини кўриш жуда фойдали бўлди. Ҳаёт тарзининг ўзига хос хусусиятлари туфайли ҳайвонларни кузатиш қишин бўлган ҳудудларда (масалан, чўлда ҳайвонлар оқшом ва тунда фаол бўлади), бутурдаги фото ва видео экскурсиялар фауна ва ҳайвонларнинг хулқ-атвори ҳақида тўлиқроқ тушунча беради, биологик хилма-хилликни сақлаш учун ҳудуднинг қийматини оширади. Бу каби экскурсия, айниқса, ҳудудни, ҳайвон ва ўсимлик турларини яхши биладиган тажрибали гид ҳамроҳлигида табиатга чиқишилар билан биргаликда ташкил этилиши самарали бўлиши мумкин.

### Тавсиялар:

- Муваффақиятнинг асосий омили мослашувчан эко-турлар пакетини яратиш бўлади. Саёҳат пакети мижоз билан муҳокама қилинган саёҳат режаси асосида, шу жумладан турили хил табиий ва маданий обидалар, саёҳатнинг давомийлиги ва масофаси, шунингдек, йўлда тўхташлар сони ва давомийлигини ҳисобга олган ҳолда тузилиши керак.
- Сайёҳларни ишончли маълумотлар билан самарали таъминлаш мұхим аҳамиятга эга. Саёҳатдан олдин онлайн ёки оффлайн ахборот сессиясини ўтказиш, саёҳат ҳудудининг тарихи, географияси ва иқлими, одамларнинг аńянаналари ва одатлари ҳақида батафсил тавсифланган маълумот қўлланмасини тақдим этиш тавсия этилади.
- Ёввойи табиат тўғрисида тўлиқ маълумот (масалан, ҳар бир ҳудудда қандай ҳайвон ва ўсимлик турлари мавжуд) акс эттирилган қўлланма ва харитага эга бўлиш фойдали бўлади.
- Сайёҳларнинг табиатга ва ўз соғлиғига зарар етказмаслиги, ташриф буюрадиган жойларга масъулият билан муносабатда бўлишини таъминлайдиган кўрсатмалар ишлаб чиқилиши керак. Масалан, аниқ белгиланган йўллардан юриш, ҳайвонлар безовталаниши мумкин бўлган жойлардан (масалан, кушлар уяси)



Судочье кўли бўйлаб тажриба-синов экскурсияси иштирокчилари. Озодбек Турғунбоев сурати



Устюрт платосининг шарқий қоясининг ранг-баранг ён бағирлари ва каньонлари қўриниши.  
Елена Бикова сурати

- ёки хавф остида қўйиш мумкин бўлган жойлардан қочиш, ахлат билан нима қилиш бўйича ва ҳоказо.
- Сайёҳларга маҳаллий экологик муаммолар, масалан, сувдан фойдаланиш имконияти чекланганлиги, уларни ҳал этиш йўллари ҳақида экологик лойиҳаларни мисол тариқасида етказиш фойдали ва самарали бўлади.
- Ўқув курслари, доимий тажриба алмашиш ва малакали маркетинг орқали сифатли сувенир маҳсулотларини ишлаб чиқишида маҳаллий ҳамжамиятларга ёрдам ва кўмак кўрсатилиши керак.
- Самарали туристик маҳсулотни ишлаб чиқишининг зарурий шарти барча ҳамкорлар (туроператорлар, ўтов лагерлари эгалари, гидлар, мезбон оилалар ва бошқалар) билан тизимли ишлашдир.
- Шунингдек, экотуризмнинг агротуризм ва қишлоқ туризми соҳасидаги лойиҳалар ва корхоналар билан интеграциялашувини таъминлаш тавсия этилади. Сайёҳлар анъанавий қишлоқ юмушлари, ҳалқ сайиллари ва байрамларида қатнашиб, табиат билан танишиш, қишлоқ ҳаётига шўнғишиш ва ҳалқ маданияти, амалий санъати, миллий қўшиқ ва рақсларни ўрганиш, маҳаллий урғодатлар билан танишиш имкониятига эга бўлади.

<sup>1</sup> Сайгоқни сақлаш бўйича Альянс

<sup>2</sup> People's Trust for Endangered Species (PTES)


<sup>3</sup> The Pearl Group

<sup>4</sup> Туризмни ривожлантириш институти

\* Муаллиф-мухбир: [zeboisakova@gmail.com](mailto:zeboisakova@gmail.com)

## Сайгоқни сақлаш – уларнинг ҳаётий иши

Бизнинг янги қаҳрамонимиз, Самара давлат университетининг биология факультети битириувчиси Илья Смелянский деярли бутун ҳаётини экологик жамиятда бир мавзу – чўл экотизимларининг қадр-құммати ва аҳамиятини асослаш, уларни амалий сақлаш устида ишлади. У Россия нодавлат ташкилотлари учун Чўлни сақлаш стратегиясини ишлаб чиқиш ташкилотчиси ва муаллифи бўлган ва ўзи Россияда алоҳида кўриқланадиган чўл ҳудудлар тармоғини – жами 30 минг гектардан ортиқ чўл экотизимларини кенгайтиришга маълум ҳисса қўшган. У кўп йиллар давомида чўл экотизимларини сақлаш масалаларини ёритиб келаётган [savesteppe.org/sb](http://savesteppe.org/sb) «Дашт хабарномаси»нинг яратувчиси ва доимий муҳаррири эди. Сайгоқни сақлаш ва унинг одамлар билан бирга яшаши муаммолари ДХнинг биринчи сонидан то охирги сонигача доимий мавзудир. 2020-2022 йилларда Илья ўз ҳамкаслари билан биргаликда Россия Транс-Волга миңтақасида сайгоқ популяциясининг ўз-ўзидан тикланишини, бу билан боғлиқ истиқболлар ва қийинчиликларни ўрганди; ушбу ишнинг баъзи натижалари бизнинг ахборот бюллетенимизда чоп этилган (*SN 28-сонига қаранг*).



**Редактор:** Ёввойи табиатга биринчи марта қачон қизиқсансиз?

**Илья Смелянский:** Онгли равиша – тахминан олти ёшда. Бу (тан олиш кўрқинчли) 1974 йил эди.

**Редактор:** Сайгоқларга биринчи марта қачон қизиқсансиз?

**ИС:** Айтиш қийин. Мен алоҳида қизиқмасдим, лекин даштларга қизиқишим ортган сари чўл туёқли ҳайвонларга, жумладан сайгоқقا ҳам қизиқишим орта бошлаган. Мен сайгоқни фақат 2000 йилларнинг бошларида табиатни муҳофаза қилишга доир (экология тааллукли бўлмаган) сабабларга кўра алоҳида қизиқиш кўрсатишни бошладим.

**Редактор:** Қачон сайгоқни ўрганиш ва ҳимоя қилишни бошладингиз?

**ИС:** Яқин вақтда. Мен 1990 йилларнинг охиридан бери сайгоқ билан боғлиқ вазиятни кузатаман – лекин узоқ вақт давомида буни фақат Даشت Бюллетени муҳаррири сифатида Степпе Бульварин муҳаррири сифатида қилган эдим. Журнал чоп этилган вақт давомида мен сайгоқ ҳақида материалларни жалб қилишга ва уни сақлаб қолиш учун бирор нарса қилишга ҳаракат қилдим – ҳеч бўлмаганда тематик даврий нашр муҳарририда бор бўлган воситалар ёрдамида. Шу билан бирга, мен Россия божхона органлари билан алоқада бўлганимда ҳам сайгоқ ҳақида унутмадим – маслаҳат бериб турдим ва ҳайвонлардан олинадиган дериватлар айланмасини тартибга солиш мавзусида (Сибир божхона бошқармаси учун) малака ошириш курсларида маъruzalар ўқидим. 2009 йилдан бошлаб, аввал лойиҳа ҳужжатлари муаллифи, кейин эса БМТД/ГЭФ/Россия Табиий ресурслар вазирилигининг Россия дашт лойиҳаси бўйича маслаҳатчи сифатида сайгоқни сақлаш бўйича аникроқ ишларни қилишга ҳаракат



Илья экспедиция мобайнида. Улитоғ кичик тепалик массиви, Марказий Қозоғистон. Анастасия Антоневич суратлари



**И. Смелянский сурати:** Саратов ва Ғарбий Қозоғистон вилоятлари чегараси яқинидаги лалми ердаги иккиламчи тукли ўтлоқли дашт. Илья Смелянский сурати

қилдим – Шимолий-Ғарбий Каспий мінтақасыда, асосан Қалмогистонда лойиҳа натижаларини режалаштириш ва баҳолаш билан шуғулландым. Ўзимга келсак, мен сүнгги З йилдан бери сайфоқ бўйича ишлайман. Трансчегаравий Ўрол (Волга-Ўрол) сайфоқ популяциясининг Россиянинг Транс-Волга мінтақасыда (2020-2022) ва Қозоғистоннинг асосий қисмидаги (2022-2023) ареалида вазиятни ўрганиш ҳамда сайфоқлар ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги зиддиятларни камайтиришга уринишларда иштирок этдим.

**Редактор:** Ишингиздаги асосий муаммолар нималардан иборат?

**ИС:** Бу ниҳоятда кенг савол. Агар сайфоқ ва фермерлар ўртасидаги зиддиятни камайтириш муаммоси ҳақида гапирадиган бўлсак, асосий муаммо – бу бизнинг давлатлар (Россия ва Қозоғистон) одамларнинг табиатни муҳофаза қилишдан кўрган зарарларини қоплашни қатъян истамаслигидир. Яъни табиий экотизимлар ва турларни муҳофаза қилишдан, одатда, фойдани бутун жамият (ва давлат – жамиятга тегишли бўлган нарсаларнинг кўп

қисмини ўзлаштиргани учун) кўради, харажат ва зарарлар эса қўриқланадиган обьектлар атрофида яшовчи нисбатан кам сонли маҳаллий аҳоли ва тадбиргорларга тушади. Жамият (ва давлат – жамоат манбаатларининг ифодаловчиси сифатида) бу аҳоли кўрган зарарни осон тарзда қоплаб берса, адолатли бўлар эди. Бунда кўплаб мумкин бўлган зиддиятлар бартараф этиларди. Аммо бизнинг давлатларимиз репрессив чораларга (истамаса ҳам, маълум даражада) пул сарфлашга тайёр – жавобгарликни кучайтириш, инспекторларнинг имкониятларини ошириш, уларнинг сонини кўпайтириш кабиларга (бу кўпроқ Қозоғистонга тегишли, Россияда булаф факат қисман амалга оширилган). Лекин бу сабзисиз таёқ. Ва бу таёқка қанчалик кўп сармоя киритса, сабзи йўқлиги шунчалик сезиларли бўлади. Можаролар кучайиша давом этади, давлат кечиктирмасдан чоралар кўради – лекин яна ўша-ўша нотўғри ва ноўрин, чунки у тизимли ҳаракатлар қилиш ўрнига "ёнғинни учирish" билан шуғулланади. Бу катта муаммо амалий ишимиизда ҳам қийинчиликларга олиб келади. Биз можароларни камайтириш учун нималарни ўйлаб топишимииздан

қатъий назар, буларнинг барчаси хавфсизлик чораларини кучайтиришдан кўра зарарнинг олдини олиш ва қоплаш учун тизимли инвестицияларнинг этишмаслиги билан боғлиқ.

**Редактор:** Ишингиизда нима сизга кўпроқ ёқади?

**ИС:** Одатда натижаларга эришиш ёқади – бирор нима қилсакда ва ишни уddaлаб, хоҳлаган натижага эришсак.

**Редактор:** Сайфоқни сақлаш истиқболлари қандай? Бу турнинг сақланиб қолишига ёрдам бериш учун биринчи навбатда нима қилиш керак?

**ИС:** Бу саволда иккита савол бор.

А. Тушунишимча, сайфоқ ўзининг эволюцион хусусиятларига кўра г-стратегдир. У арра тишли популяцион динамикага эга, яъни сонининг атроф-муҳитнинг сифими даражасидан ошиб кетгунга қадар тез ўсиши ва сўнг жуда паст қийматларгача ҳалокатли пасайиши билан тавсифланади. Бу жараён қайта-қайта такрорланаверади. Бу моделнинг ўзи инсон фаолияти натижаси эмас, балки табиий ҳодисадир (умуман олганда, бу чўл экотизимларига жуда хосдир; энг юқори динамизм уларнинг энг хос белгиларидан биридир). Аммо тенденциядаги кескин ўзгаришларнинг ўзига хос сабаблари ва бутун динамиканинг шароитлари ҳозирда катта даражада инсон томонидан белгиланади. Узоқ муддатли миқёсда сайфоқни сақлаш истиқболлари бутун мінтақалар ва ландшафтлар миқёсида дашт биомини сақлаб қолиш истиқболларига боғлиқ. Асосий узоқ муддатли муаммо, менимча, браконьеरлик эмас, балки яшаш жойлари йўқолиши ва парчаланишидир. Агар қуруқ даштлар ва ярим чўл зоналарнинг табиий экотизимларининг (чўл даштлари шимолий чўллар билан аралашган) етарлича катта ҳудудлари сақланаб қолса, сайфоқ қирилиб кетиш хавфи остида эмас. Ҳеч бўлмагандан истеъмол қилишни маълум даражада тартибида солиш шарти билан. Аммо бу ҳудудлар



Россия Транс-Волга ўлкасида сайфоқлар оммавий келадиган жойлардан бири; Россиянинг Қозогистон билан чегараси яқинидаги даштни ҳайдаш ишлари – бу жараён сайфоқнинг яшаш жойларини қисқартиради ҳамда дехқонлар ва сайфоқлар ўртасидаги зиддият эҳтимолини муқаррар равишда оширади.

Илья Смелянский сурати

сақланиб қолиши ёки қолмаслигини таҳмин қилиш қийин. Умумий тенденция – ҳудудларни ўзлаштириш даражасининг ўсиши. Қишлоқ хўжалиги бўлмаса, нефть ва газ қазиб олиш, инфратузилмани кенгайтириш ва ҳоказолар учун.

Б. Биринчи навбатда сайфоқни сақлашга муносабатни ўзгартириш лозим. Одамлар турни сақлашда ҳақиқатан ҳам зарар кўриши мумкинлигини тан олиш керак ва сайфоқнинг сони ва тарқалиш ҳудудларини камайтирмасдан, одамлар кўрган зарарни етарли даражада қоплаш ва олдини олишга маблағ сарфлаш керак. Бу катта харажат бўлади, лекин, эҳтимол, турни ҳимоя қилишга сарфланадиган сармоядан ортиқ бўлмас. Шу билан бирга, ҳозирда эришилган муҳофаза даражасини сезиларли камайтириб бўлмайди. Агар фойдаланишга рухсат берилса ҳам (баъзи бир шаклда ов қилиш, маҳсулотларнинг айланиши – маълум чекловларда). Бу, албатта, ҳаёлий мулоҳазадек кўринади, аммо саволда ҳаётийлик шарти йўқ эди.

**Редактор:** Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида қанчадан бери ишлаб келмоқдасиз? Йиллар давомида нима ўзгарди ва бу соҳада ҳозирги тенденциялар қандай?

**ИС:** Мен университетимдаги Табиатни муҳофаза қилиш гуруҳига биринчи курсдаёқ қўшилганман, бу 1985 йилнинг кузида эди. Шахсан ўзим табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги норасмий иш тажрибамни ўша пайтдан бошлаб ҳисоблайман. Ўшандан бери деярли ҳамма нарса ўзгарди. Ҳатто мамлакат аллақачон бошқа (ва 1985 йилдан бери ҳисобласангиз, ўшандан бери икки марта ўнг билан тесини алмаштириди). 1986-1992 йиллар экологик ҳаракат учун ноёб эди. Бу жамиятда табиатни муҳофаза қилиш ролининг мисли кўрилмаган даражада ўсиши, бу соҳадаги мутахассисларнинг ҳеч ким танимайдиган ғалати одамлардан (фриклар деган бўлардим – лекин ўша пайтда бу сўз йўқ эди) СССРда (қисқа муддатга) ва Россияда (бир оз кўпроқ

муддатга) энг нуфузли мухолиф сиёсий кучга айланиши даври эди. Табиатни муҳофаза қилишнинг олтин даври. Бу мамлакат тарихида балким бошқа ҳеч қачон, олдин ҳам, кейин ҳам юз бермаган. Нима учун бу содир бўлди – бу алоҳида савол, бу ерда тасвирлаш ўринли эмас. Аммо ҳақиқат шундаки, экологик ғоялар ва ташаббуслар пайдо бўлди ва осон ўтказилди, жуда катта жамоатчилик вазнига ва оммавий қўллаб-қувватлашга эга бўлди. Бунда иштирок этиш ёқимили ва ижобий эди, лекин аслида жамият учун бу ғалати ва бекарор вазият эди ва узоқ давом эта олмасди. Нимага деган савол – алоҳида муҳокама қилинадиган мавзу, аммо ҳақиқат шундаки, 1992 йилдан кейин "экологлар" аста-секин ўз ўрнини йўқота бошлади ва 2000 йилларнинг бошидан бошлаб мутлақо бошқа босқич бошланган эди (ва ниҳоят энди, 2022-2023 йилларга кели тўхтади).

Табиатни муҳофаза қилишнинг замонавий тенденциялари ҳақида гапириш қўрқинчли. Менимча, Россия учун улар қўйида-гича: 1980 йилларнинг охиридан 2022 йилгача Россия экологик ҳаракати жаҳон ҳаракатининг ажралмас қисми бўлган давр ниҳоят тугади. Бу халқаро ташкилотларнинг роли, қонунчилик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, халқаро шартномаларнинг мамлакатдаги роли ва (нима десам экан) жамоатчилик томонидан тан олиниши ва ушбу фаолиятнинг маъносини тушунишига тегишли. Агар 1986-1992 йилларда табиатни муҳофаза қилишнинг "олтин даври" бўлган десак, ҳозирда биз мутлақо қарама-қарши даврнинг бошланишига гувоҳ бўляпмиз. Мен сифат танлаб ўтирумайман, лекин "олтин" сўзининг антоними бўлиши керак. Халқаро экологик ташкилотлар Россия Федерациясида табиатни муҳофаза қилишдан бутунлай четлатилди (қисман тақиқланган ва парчаланган, қисман юмшоқина сиқиб чиқарилган) ва улар билан бирга жаҳон стандартлари, ёндашувлари ва барча турдаги халқаро жараёнларга интеграциялашув потенциали йўқолган (ёки йўқолмоқда). Россия Федерациясида халқаро



2022 йил кузи фаслида Бокеёрда қўриқхонаси ҳудудида сайгоқлар подаси.

Илья Смелянский сурати

экологик битимларнинг роли доимий равишда пасайиб бормоқда ва эҳтимол вақти келиб бутунлай аҳамиятсиз бўлиб қолади, аммо бунга ҳали вақт бор (Россия Федерацияси халқаро келишувларга олдинги 20-25 йил ичидаги жуда истаксиз, катта ички қаршилик билан қўшилган, амалда риоя этиши янада қийин кечган бўлсада). Жамоат экологик ҳаракати, аввалги икки ўн йилларнада мавжуд бўлгандек, давлатнинг хатти-ҳаракатлари билан деярли йўқ қилинди; энди янгича қўриниш шаклланмоқда, бу қисман жуда эски (кечки совет) даврига ўхшайди. Умуман олганда, бу ҳаракат институтлари асосан тақлидий (масалан, ўша даврлардаги ВООП - таҳр. Бутунроссия табиатни муҳофаза қилиш жамияти), лекин улар кўп сонда бўлиб қолгунча, монополия йўқ (эҳтимол бўлмайди ҳам). Шу билан бирга, "ер юзида" норозилик потенциали мавжуд бўлиб, у ҳар хил маҳаллий низоларда доимий равишда амалга оширилади, аммо унинг маъносини йўқотмасдан уни институтлаштириш мумкин эмас. Қандай бўлмасин, бу потенциал

ёввойи табиатни муҳофаза қилиш учун деярли фойдасиз – чунки у одамларнинг маҳаллий даражада уларнинг яшаш шароитларига таҳдидларга муносабатини ифодалайди, булар асосан шаҳарлар муаммолари, чиқиндилар, ифлосланиш ва бошқалар (истиснолар бор, лекин улар айни истисно). Одамларнинг турмуш тарзи билан бевосита боғлиқ бўлмаган экотизимлар ва турларни сақлаш бу даражада акс садо бермайди. Бундан ҳам ёмони, экологик чекловларнинг ўзи маҳаллий ҳамжамият томонидан таҳдид сифатида қабул қилиниши ва норозилик намойишлари уларга қарши қаратилган бўлиши мумкин – сўнгги йилларда тобора кучайиб бормоқда. Кейинги яққол хусусият – бу атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қонунчилиги ва ҳукуқ қўлланишининг эрозияси. Бу ерда салбий ривожланиш учун катта имкониятлар мавжуд. Кўп нарса аллақачон йўқ қилинган ва тақлид билан алмаштирилган бўлсада (масалан, атроф-муҳитни баҳолаш тизими ва ОВОС тизими), кўп нарса энди бошланмоқда ёки қулашда давом этмоқда. Хусусан,

алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонунчилик ва бу тизимнинг ўзи, Қизил китобларни юритиш тизими ва у билан боғлиқ барча нарсалар. Умуман олганда, менинг фикримча, Россия Федерациясида табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги замонавий тенденциялар 1990 йилларда пайдо бўлган ва 2000-2015 йилларда ҳатто қисман ривожланган барча институтларни йўқ қилишдан иборат. Мен шахсан бутун жараённи бошидан ва, эҳтимол, охиригача (қачон бўлишига қараб, умр берса) кузатиш "бахтига" мұяссар бўлдим. Бунда ўша тизим идеалдан жуда узоқ бўлишига қарамай – унинг кўплаб камчилклари ва бузилишлари бор эди – лекин у ишлаган эди ва жуда сезиларли яхшиланиш имкониятига эга эди. Янгиси эса, мен деярли аминман, ундан ҳам ёмонроқ бўлади. Балким у узоқ вақт давом этмас, бу бошқа масала. Келажакда, бу қайғули давр тугағач, бошқа давр келади. Аммо бу жуда ноаниқ келажак.

Миннатдорлик изҳори

Сайғоқни сақлаш альянси фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун пул ва вақт ажратган барчага чуқур миннатдорчилигимизни билдирамиз. Бу бюллетень нашр этилишини қўллаб-қувватлаган Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш тармоғига (WCN), АҚШнинг Балиқчилик ва ёввойи табиат хизматига (USFWS) алоҳида миннатдорчилик.



Сайғоқни сақлаш бўйича Альянс  
[saiga-conservation.com](http://saiga-conservation.com)

Сайғоқ бўйича ресурс маркази  
[saigaresourcecentre.com](http://saigaresourcecentre.com)

Email  
[mail@saiga-conservation.com](mailto:mail@saiga-conservation.com)

© Saiga Conservation Alliance  
2022/2023

Registered charity England  
and Wales

Валерий Малеев сурати